Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 185 (4583)
15 АВГУСТ 1981 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

БЕШ ЙИЛ ЛИКНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

Конвейердан янги тушди

80 ХИЛ ШИРИНЛИК

БУГУН

«Ўртоқ» кондитер фабрикаси коллективининг йил бошидан буён ишлаб чиқарган маҳсулотлари 20 миллион сўмликдан ошиб кетди. Биргина ўтган ярим йилликда пландан ташқари конфет билан савдо қилувчи магазинларга 135 минг сўмлик сарҳил конфет маҳсулотлари чиқарилди.

Коллектив аҳолининг эҳтиёжини ҳисобга олиб маҳсулот ассортиментини кўпайтирмоқда. Ҳозирда фабрика бош конвейеридан 80 хил конфет маҳсулотлари тушяпти. Булар олий навли шоколадлар, карамель, ирис ва бошқа конфет маҳсулотларидир. Яқинда яна 2 хил маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозир бош конвейердан «Золотой улей» ва «Куполок» номли янги карамель ва шоколадлар тушириб олиняпти. Бу янги маҳсулотларнинг дастлабки туркуми савдо тармоқларига чиқарилди.

Йил охиригача яна бир неча хил янги конфетлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

А. ҲАКИМОВ.

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводининг аҳил коллективи қишлоқ меҳнаткашларига қудратли техника етказиб беришни тобора кўпайтирмоқда. Бунда новатор ишчиларнинг, илғорларнинг ҳиссаси катта.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси коммунистик меҳнат зарбдори М. Тешабоев. У бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини ado этиш мажбуриятини олган.

ДИПЛОМ БЕРИЛДИ

Қўйлиқдаги эксперименталь кўприк темир-бетон конструкциялари заводи коллективи маҳсулот сифатини яхшилаш борасида бир қатор комплекс тадбирларни муваффақиятли амалга ошириб келяпти. Яқинда заводнинг бир қатор кўприк темир-бетон конструкциялари аъло сифатлилиги учун СССР Госстройи, СССР Архитекторлар союзи ва қурилиш индустрияси илмий-техника жамияти Бутуниттифоқ Советининг дипломини олишга сазовор бўлди.

Мана бир неча йилдирки, завод коллективи турар жой, маъмурий ва маиший биноларни ва бошқа объектларни қуришда ишлатиладиган қурилиш буюмларини сифатли ишлаб чиқариш конкурсида актив иштирок этиб келяпти. Конкурсга тайёргарлик даврида цехларда ва участкаларда сифат бўйича махсус постлар ташкил этилиб, бу даврда цехлардаги буюмлар давлат Сифат белгиси аттестациясига тақдим этилади.

Корхона буюмларининг сифатлилиги учун уларга бўлган талаб ортиб бораяпти. Ҳозирда қурилиш материаллари усталари республикамиздан ташқари Ноқоратупроқ зонасига, Тюмень, БАМ, Қозоғистондаги йирик қурилиш объектларига ўз маҳсулотларини жўнатмоқда.

БУГУН

корхонада яна бир қатор буюмлар давлат Сифат белгиси аттестациясига тақдим этилди.

М. ФЕЛЬДМАН.

• Эртага—СССР Ҳаво флоти куни

ПАРВОЗДА ЧИНИҚҚАН ЛОЧИНЛАР

Мамлакатимиз авиаторлари ўзларининг анъанавий байрамлари — СССР Ҳаво флоти кунини катта меҳнат ютуқлари билан кутиб оляптилар. Улар ҳар куни юзлаб тонна халқ хўжалик юкларини ташиб беришяпти, минглаб пассажирларга хизмат кўрсатишяпти. Тошкент авиакорхонаси коллективи ҳам ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли бошлаб, почта, халқ хўжалик юклари ташиш, пассажирларга намунали хизмат кўрсатиш бўйича бир қанча тадбирларни амалга оширяпти. Ана шу ҳақда сўзлаб беришни Тошкент авиакорхонаси командири, Тошкент аэропорти бошлиғи Раҳимжон Лутфутдинович ЛУТФУТДИНОВдан сўрадик.

— СССР Ҳаво флоти катта ва шонли тарихга эга. Авиаторлар мамлакатимизда халқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келишяпти. Совет учувчиларининг Улуғ Ватан уруши жангларида Ватан осмони ҳосойиштаҳлиги учун кўрсатган мислсиз мардлик ва жасоратлари тилларда достон бўлди.

Бугунги кунда Ватанимиз осмонининг парвозда чиниққан пўлат қанотли лочинлари барча совет кишилари қатори КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларидан илҳомланиб меҳнат қилишяпти. Почта, халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилларга тезроқ етказиш, пассажирларга юксак маданий, намунали хизмат кўрсатиш учувчиларимизнинг кундалик шиорига айланган.

Коллективимиз шу беш йилликда деярли 15 миллионга яқин пассажирга хизмат кўрсатади. Ўтган ойларда салкам 2 миллион пассажир Тошкент аэропортидан турли томонларга жўнаб кетди. Бу —ўтган етти ойда ҳар бир тошкентлик бир мартадан мовий осмонга кўтарилди демакдир. Бу катта кўп миллатли коллективнинг ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақият билан ado этаётганлигини кўрсатади.

Йўловчиларнинг узоқ йўлини яқин этиб, кишилар олқишига сазовор бўлаётган маҳоратли учувчиларимиз жуда кўп. ИЛ-62 ҳаво кемасининг энг яхши командирлари Ғ. Саримсоков ва В. Перов, ТУ—154 ҳаво кемаси командирлари В. Шкурин ва Ю. Ҳасанов, АН— 24 самолёт командири Я. Косимов, ЯК—40 самолёти командири Г. Скворцов ва бошқалар коллективимизнинг фахри бўлган учувчилардир. Улар социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти, ёшларни тарбиялашга катта эътибор беришяпти.

Айни кунларда республикамиз пойтахтининг аэропорти бир суткада деярли 11 мингта пассажирга хизмат кўрсатаяпти. Бу кўрсаткич келгусида янада ортиб бориши табиий. Шу боисдан йўловчиларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириб боришимиз керак. Айниқса, самолётларга чиқишни регистрация қилиш ва бошқа шаҳарлардан келганларни кутиб олиш — бевосита пассажирлар билан муносабатда бўлинадиган жараён ҳисобланади. Шу боисдан ана шу участкада хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга алоҳида эътибор беряпмиз. Ўз вазифасига сидқидиллик билан ёндошган навбатчиларимиз ўзларига мурожаат этган кишиларга яхши муносабатда бўлиб, уларнинг кайфиятини чоғ қилишга ҳаракат қилишяпти.

Кейинги йилларда пассажирларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Аэровокзалларда гардероб ахборот воситалари кенгайтирилди. Оналар ва болалар хоналаридаги, кутиш залларидаги ўринлар сони кўпайтирилди. Марказий аэровокзалда касса зали ишга туширилди. Аэропортда тезда овқатланиш мумкин бўлган буфетлар, сартарошхоналар ва бошқа маиший хизмат объектлари очилган. Маҳаллий линиялар аэровокзалига ҳам мунтазам эътибор беряпмиз. Уни замонавий эстетик талаблар асосида қайта жиҳозланди. Ана шу кичик аэровокзалнинг К. Ҳасанов бошчилигидаги ишчан коллективи ҳар куни 3 мингдан ортиқ йўловчининг парвоз этиб кетишига кўмаклашади.

Хизмат кўрсатиш технологиясидаги янгилик— досадка бўйича бевосита парвоз олдидан бўш жойларга билет сотиш яхши самара беряпти. Бу самолётлардаги ўринлардан самарали фойдаланиш имконини беряпти.

Яқин кунларда ИЛ—86 аэробусидан фойдаланувчилар учун алоҳида пассажирларни регистрация қилиш жойи ишга туширилади. Шунингдек, Сергели районида учувчилар учун янги профилакторий қуриляпти. Профилакторий битгач, учувчилар парвоз олдидан шу ерда ҳордиқ чиқаришади. Аэропортдаги «Космос» меҳмонхонаси эса фақат йўловчиларга ва Ўзбекистон пойтахти меҳмонларига хизмат кўрсатадиган бўлади.

Яна бир янгиликни айтиб ўтишни истайман. Ҳозир А. Сливкин бошчилигидаги учувчилар экипажи комфортабелли ТУ — 134 самолётини бошқаришни ўзлаштиряпти. Янги самолётлар курорт шаҳарлари ва Нукус, Ургенч каби шаҳарларга борувчиларга хизмат кўрсатади.

Тошкентлик авиаторлар ўн биринчи беш йилликда ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун барча имкониятлардан унумли фойдаланадилар.

М. МУРОДОВ.

«Ўртоқ» қандолатчилик фабрикасининг қиём тайёрловчиси Нина Чеснокованинг ишхонада ишлаб келаётганига 18 йил тўлди. У беш йиллик шахсий топшириғини 4 йилда бажариш учун ас. тойдил меҳнат қиляпти.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори Н. Чеснокова.

М. Нуриддинов фотолари.

Тошкентлилар яшнаб ётган куни

МАДАНИЯТ МАСКАНЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

Дам олиш кунини ҳамма ҳар хил ўтказади. Кимдир ўз оиласи билан хушманзара жойларга, тоғ бағрига йўл олади. Яна кимдир ўзининг кичик ҳовлисида боғбончилик қилади, кимдир шаҳримиздаги маданият масканларига қадам ранжида қилади.

Ҳа, ҳозир шаҳримизда 9 та театр, филармония, 2 та концерт зали, 3 та киностудия, цирк, 3904 минг нусха китоб фондига эга 199 та кутубхона, 170 та клуб, 148 та кинотеатр ишлаб турибди. Шундай, сиз дам олиш кунингизни ана шу масканларнинг бирида кўнгилли ва мазмунли ўтказишингиз мумкин. Марҳамат.

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШАДИ

Мана бир неча кундирки, Тошкент Давлат цирки томошабинлар билан гавжум. Бу ерда намойиш этилаётган «Аренада москваликлар» янги программаси ҳамшаҳарларимизнинг олқишига сазовор бўляпти.

Залнинг камалак тусда товланувчи чироқлари нури остида аренада совет циркининг усталари, штанга кўтариш бўйича биринчи жаҳон чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Григорий Новак ҳамда СССР спорт мастерлари Аркадий ва Роман Новеклар «Паҳлавонлар аттракциони»ни намойиш этадилар.

Шундан сўнг «Космик парвоз» ва «Фантазия» ҳамда «Кулги атрофида» деб номланган кичик программалар бошланади. Айниқса Алик Нисанов раҳбарлигидаги масхарабозларнинг чиқишлари жуда қизиқарлидир.

ОТЛАР РАҚСГА ТУШАДИ

Бугунги кунда Тошкент отчопари Иттифоқимиздаги энг гўзал, энг йирик ва шинам томошагоҳлардан бирига айланди. Бу ерда тез-тез от ўйинлари мусобақаси ўтказиш одат бўлиб қолди.

Эртага пойтахт отчопари от ўйини ишқибозларини ўз бағрига олади, Бу ерда Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРнинг колхоз ва совхозлари, от заводларининг энг яхши, зотдор отлари иштирокида анъанавий от ўйинлари ва мусобақалар бўлади.

Томошагоҳда от спорт лотереяси (тотализатор, ўйинлар аттракциони, ишлаб турибди. Ишқибозларнинг кўнгили ҳордиқ чиқаришлари учун бу ерда ҳамма нарса муҳайё этилган.

ЗЎР ИШТИЁҚ БИЛАН

Ҳамза театри ўзининг 64-мавсумини бошлаганига энди икки ҳафта бўляпти. Кўп сонли театр ишқибозлари ҳар бир спектаклни зўр иштиёқ билан томоша қилмоқдалар. Айниқса, «Келинлар кўзғолони», «Ганг қизи», «Истеҳком», «Баланд қоядаги аёллар», «Кузнинг биринчи куни» спектакллари томошабинларда катта таассурот қолдиряпти. Бу йил театр коллективи томошабинларга иккита янги спектакль ҳадя этди.

Эртага Минулиннинг «Алмандар» деб номланган спектакли намойиш этилади. Унда 90 ёшли чолнинг уйланиш учун қилган ҳаракатлари киноя, ҳажв усулида баён этилади. Спектаклни томоша қилган ҳамшаҳарларимиз театр артистлари маҳорат билан ижро этган қаҳрамонларнинг ҳаёти билан танишиб, дилдан кулиб, маданий ҳордиқ чиқарадилар.

Спектакль томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

ЭСКИ ҚОҒОЗГА—КИТОБ

Маълумки ҳозир газета ва журналга обуна бўлмаган оилани учратиш қийин. Ана шу йиғилиб қолган эски газета ва журналларни эртага сиз макулатура қабул пунктларига топширишингиз мумкин. Бу сизнинг якшанба куни қилган энг мазмунли ишингиз бўлади.

Эртага шаҳарнинг 30 га яқин макулатура қабул пунктига макулатура топширсиз, нодир ва ажойиб китобларни, асарларни олишингиз мумкин. Қабул пунктлари эрталаб соат 10.00 дан кеч соат 18.00 гача ишлайди.

ДАМОЛИШ СОАТЛАРИДА

Юксак номга яраша

Қўйлиқдаги эксперименталь темир-бетон кўприк конструкциялари заводи Ҳамза районидаги энг илғор саноат корхоналаридандир. Бу заводга Тошкентдаги саноат корхоналари орасида рекордчи бўлган «Коммунистик меҳнат коллективи» номи берилган.

Завод ишчи ва хизматчилари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида юксак номга яраша меҳнат қилиш билан бирга, ёзги дам олишни ҳам ўрнига қўйишяпти. Корхона Оҳангарон довонининг энг хушманзара жойига чиройли дам олиш уйи қурган. Бу ердаги ямяшил дарахтлар, шарқираб оқиб ётган сой, ҳовлидаги чамандек гулзор бир зумда киши чарчоғини ёзиб юборади. Бу ерга ишчи ва хизматчиларга икки кунлик ёки ўн икки кунлик дам олиш учун путёвкалар берилади. Ёзги мавсум бошлангандан бери дам олиш уйида заводдагилардан 200 га яқин киши ёки коллективнинг чорак қисми ҳордиқ чиқарди. Завод ишчи ва хизматчиларининг болалари эса, Оқтошдаги «Дорожник» пионер лагерида мириқиб дам олишаяпти.

Илғор ишчилардан З. Ибрачев, М. Юрченко, В. Хайбулина, Р. Толбоев «Пицунда», «Чортоқ», «Мовий Иссиқкўл» курорт ва санаторийларида соғлиқларини мустаҳкамлаб қайтишди. Бундан ташқари завод тузган шартнома асосида ҳар ойда 5—6 киши 1-уйсозлик комбинатига қарашлик профилакторий-санаторийда даволаняпти.

— Заводда ишчи ва хизматчиларнинг дам олишини ташкил этаётганда коллективимизда ёшлар кўпчилик эканлигига эътибор бераяпмиз, — деди корхона касаба союз комитети раиси А. З. Паригина. — Бизда яхши бадиий ҳаваскорлик ансамбли бор. Бундан ташқари ёшлар волейбол, стол тенниси, шахмат ва шашка тўгракларида қатнашадилар. Тез-тез ёшлар кечалари ўтказиб турамиз, коллектив равишда театрларга борамиз.

Ўтган йили завод волейболчилар командаси тош йўллар ва автомобиль корхоналари ходимлари касаба союзлари Тошкент область комитети томонидан ўтказилган мусобақаларда қатнашиб учинчи совринли ўринни эгалладилар.

ИШЧИЛАР МИННАТДОР

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўнлаб илғор цехлар КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиб, меҳнат унумдорлигини ой сайин ошириб бормоқдалар. Ишчилар бирлашмада дам олишнинг яхши йўлга қўйилганидан миннатдор бўлмоқдалар. Айни пайтда бирлашманинг 200 га яқин ишчиси дам олиш уйлари, санаторийларда ҳордиқ чиқармоқда. Бутуниттифоқ туристик маршрутлари бўйлаб саёҳат ўтказмоқда.

БУГУН

БИРЛАШМА 2-ЭРКАКЛАР ШИМИ ТИКИШ ЦЕХИНИНГ БИР ГРУППА ИЛҒОР ЧЕВАРЛАРИ ЧИМЕННИНГ СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАРИГА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ КЎНГИЛЛИ ЎТКАЗИШ УЧУН ЖЎНАБ КЕТДИ.

СЎЛИМ ТАБИАТ БАҒРИДА

Бўстонлиқ районидаги ям-яшил майсалар ва асрий арчалар билан қопланган тоғларнинг ҳавоси кишига ором бағишлайди. Шу сабабдан ҳам дам олиш кунлари кўпчилик ҳамшаҳарларимиз, жумладан 2-пойафзал фабрикаси ишчилари тоғларнинг сўлим табиати оғушига ошиқадилар. Яқинда Оқтошга бир кунлик сафар уюштирилиб, фабриканинг юз ишчиси мириқиб ҳордиқ чиқариб қайтди.

Корхона касаба союз комитети шаҳар экскурсия ва саёҳатлар бюроси билан тузган шартномага кўра, бюро ходимлари ҳар ойда икки марта ишчилар хизматида бўладилар. Махсус ажратилган автобуслар ишчиларни тоғларга элтиб қўяди. Бундан ташқари ҳар яхшанба куни у ёки бу цех ишчилари коллектив бўлиб, Тошкент денгизи ёки Сирдарё бўйларида дам олишади. Йил бошидан бери эса фабриканинг 26 меҳнатчиси шифохоналарда, 20 ишчиси дам олиш уйларида ўз меҳнат отпускасини кўнгилли ўтказди. 25 киши эса туристик сафарларга бориб келди.

ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Пойтахтимиздаги барча районлар қатори Октябрь районида ҳам меҳнаткашларнинг дам олишларини яхши ташкил этишга катта аҳамият берилмоқда. Айниқса, район ўқитувчиларининг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари кенг йўлга қўйилган.

Ёз мавсуми бошлангандан буён 500 дан ортиқ ўқитувчи санаторийларда, дам олиш уйлари ва пансионатларда дам олиб қайтди.

Айни пайтда «Кумушкон», «Хумсон», «Оқтош» дам олиш уйларида 100 дан ортиқ ўқитувчи ҳордиқ чиқараб, саломатлигини яхшиламоқда. 100 га яқин ўқитувчи эса туристик маршрут бўйлаб саёҳатда бўлиб қайтди.

Районда Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва уруш қатнашчиларига ғамхўрлик билан қаралмоқда. Ёз давомида 50 дан ортиқ уруш қатнашчиси «Чортоқ», «Ботаника», «Кисловодск», «Ессентуки» дам олиш уйлари ва санаторийларида бўлиб ҳордиқ чиқарди.

Туристик саёҳат иштиёқмандлари якшанба ва шанба кунлари Чорвоқ денгизи атрофидаги дам олиш зоналарида бўлиб, маданий ҳордиқ чиқаришади.



СУРАТЛАРДА: Чорвоқ денгизига қуйиладиган Угом дарёси ва шаршаралардан бири тасвирланган.

В. Таран фотолари.

СПОРТ БИЛАН ДЎСТЛАШИБ

Ленин районининг меҳнаткашлари спортни саломатлик ва меҳнат қобилиятини мустаҳкамлашнинг манбаи деб тушунадилар. Райондаги аҳоли турар жойларида жуда кўп спорт секциялари, саломатлик группалари ташкил этилган. Бу жойларда мунтазам ўтказилаётган машғулотлар спорт муваффақиятлар и н и мустаҳкамлашга замин бўлмоқда. Бунга қўйилгиларни мисол келтириш мумкин. Район терма командаси аҳоли турар жойлари терма командалари ўртасида ўтказилаётган шаҳар спартакиадасида муваффақиятли қатнашмоқда. Район вакиллари сузиш бўйича ўтказилган мусобақада фахрли учинчи ўринни эгалладилар. Енгил атлетикачилар баҳсида ҳам ана шундай натижа қўлга киритилди. Шахматчилар эса барча коллективларни орқада қолдириб, спартакиада чемпиони унвонини қўлга киритдилар.

1-автомобиль ремонти, Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводилари, 3-таксомотор паркида шахмат бўйича секциялар ташкил қилинган. Бу коллективларнинг вакиллари район шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Шу ўринда район мактаб ўқувчиларининг шаҳар спартакиадасида Ленин районининг ўқувчилар терма командаси биринчи ўрини эгаллади. Муваффақиятни таъминлашга 175, 110, 218, 31- ўрта мактабларнинг ўқувчилари муносиб ҳисса қўшдилар.

Район спорт комитетининг ходимлари айни пайтда ишчи ва хизматчиларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлайдиган тадбирларни ҳам кўплаб амалга оширишяпти. Эртага райондаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассасаларининг вакиллари Хўжакент дам олиш зонасига боришади. Бу ерда футбол, волейбол, баскетбол, мини футбол бўйича мусобақалар ташкил этилади. Қояларга чиқиш иштиёқмандлари эса инструкторлар ёрдамида тоғ сўқмоқлари бўйлаб юриш уюштирадилар.

Каноп фабрикасидаги балиқ ови билан шуғулланувчи кишилар Сирдарё соҳилидаги балиқчилар уйига боришади. Улар хилма-хил балиқларни тутиб, завқ-шавқ билан дам оладилар. Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводининг бир группа ишчи ва хизматчилари Тошкент денгизига боришади. Бу ерда улар катерларда сайр қилиб, мазмунли ҳордиқ чиқарадилар.

тонгги газеталарда

● Корея озод қилинганлигининг 36 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқларнинг Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Корея Халқ Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Ким Ир Сенга ва Корея Халқ Демократик Республикаси Маъмурий Кенгашининг Бош министри ўртоқ Ли Ден Окка йўллаган телеграммалари эълон қилинган.

● Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари С. Каня ва ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси, ПХР мудофаа министри В. Ярузельский КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан кеча қисқа муддатли амалий визит билан Совет Иттифоқига келдилар.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларидан келиб чиқадиган талабларга мувофиқ республикадаги колхозлар, совхозлар, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларининг 1981 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

• *Бугун—Тошкент тўқимачилик комбинатида*

КАСБГА ИХЛОС

Тандалаш-калавалаш цехининг мўъжазгина мастерлар хонаси. Тўрдаги столда смена мастери А. С. Ряскина мук тушганча табель варақларди. Шу пайт эшик очилиб, мастер ёрдамчиси У. Саидқулов тажанг ҳолда кириб келди. Асабийлашиб, жаҳлдан ёнаётган кўзларини Александра Егоровнага тикди.

— Ахир бунақалар билан ишлаб бўладими? Ишга бир кун келиб, икки кун келмаса, келган билан ишни тузук қилмаса?!

Чеккадаги столда жимгина ўтирган инструктор М. Ф. Попова сўз қотди:

— Ўзингни бос, Умар. Тўғри, буни ҳал қилишимиз керак. Смена ҳам тугаб қолди. Қизларни бориб чақириб кел.

Қотмадан келган, бўйчан йигит Умар хонадан чиқиб кетганда ҳам А. Е. Ряскина бошини столдан кўтармади. У ўй сурарди: «Бригадада ишлаб чиқариш плани ҳам яхши бажарилянти. Лекин яқинда келган ишчи-студентларнинг интизомлари... Уларга нима етишмаётган экан-а?..»

Бир группа ишчи-студентлар дастлабки пайтларда ўз ишларидан нороза бўла бошладилар. Улар моҳир ишчиларга бириктирилган бўлсалар-да, тажрибанинг етишмаслиги плани бажара олмасликка олиб келди. Натижада маошни ҳам кам ола бошладилар. 2—3 ой ўтгач, уларда касбга бўлган меҳр ҳам йўқолди.

Ишга кеч келиб, эрта кетиб қолишлар, прогуллар кўпайиб кетди. Бу қам сонли ишчилар орасида бўлса-да, лекин умумий цех планига катта таъсир қиларди. Бунинг олдини олиш лозим.

...Хонага У. Саидқуловнинг ортидан икки қиз кетма-кет кирди. Мастер қизларга юзланди:

— Хўш, қизлар, аҳвол шу ҳолда давом этаверадими?

— Бизларга жавоб беринг, бошқа ишга ўтамиз.

Мастернинг юзи тундлашди. Жаҳли чиққанидан ўрнидан туриб кетди, лекин ўзини босиброқ гапира бошлади.

— Интизомларингиз шу бўлса, бошқа жойни ҳам гуллата олмайсизлар. Мамлакатимизда ишлаган тишлайди деган принцип бор. Ишга кечикиб келасизлар. Бунинг устига иш вақтидан унумли фойдаланмайсизлар. Сизлар ҳатто бир нормани ҳам бажара олмаяпсизлар, фабрикамиз машъаллари Е. А. Губина, К. Еқуббоева, Ш. Тошматоваларга қаранг, ҳар куни нормани икки ҳисса бажараяпти. Агар касбга меҳр қўйилса, инсон ўз орзусига албатта эришади...

Иш вақтларида бўладиган бундай воқеаларни мастер А. Е. Ряскина ҳаётидан кўплаб келтириш мумкин.

А. Е. Ряскина талабчан раҳбар. Ҳар қандай ишчининг кўнглига йўл ҳам топа биларди. Фикримизнинг исботи учун юқоридаги эпизодда келтирилган қизларга қайтамиз.

Ўша кундан бошлаб қизлар ҳаётида ҳам ўзгариш юз берди. Иш вақтидан унумли фойдаланиш, устозлар тажрибасини ўрганиш натижасида аста-секин планларни ҳам бажара бошладилар. Ҳозирги кунда мастер қизлар исмини фахр билан тилга олади. Т. Қосимова, Ҳ. Ниёзбоевалар калавалаш машиналарида ишлаб, ойлик планларини 103 — 105 процентга етказишмоқда.

А. Е. Ряскинанинг комбинатимизга ишга келганига 30 йилча бўлиб қолди. 13 йил мастер ёрдамчиси бўлиб ишлади. 1965 йилдан бери смена мастери бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг сменаси шу давр мобайнида бир неча маротаба фабрика кўчма Қизил байроғини қўлга киритди.

Коммунист А. Е. Ряскина ўз меҳнат стажининг 20 йили давомида цех пропагандисти бўлиб ишлади. У партия қарорлари ва съезд материалларини пухта ўрганади, тингловчиларга қунт билан ўргатади.

КПСС XXVI съездида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов ўз докладида ҳозирги замон хўжалик раҳбарлари ҳақида шундай деганди: **«Ҳозирги замон хўжалик раҳбари ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий асосларини, унинг ташкил этилиши ва экономикасини жуда яхши билиши, юксак меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати учун кураш методларини эгаллаб олиши, ўз соҳасидаги касбкорлардан яхши хабардор бўлиш билан бирга кенг голвий-снёсий билим доирасига, одамлар билан ишлаш маҳоратига эга бўлиши лозим».**

А. Е. Ряскина худди ана шундай раҳбар. У ўз коллективини жуда яхши билади. Улар билан ишлай олади. Шу билан бирга у техника тилини ҳам жуда яхши билади. Унинг бир неча рационализаторлик таклифлари тандалаш ва калавалаш механизмларининг унумдорлигини оширди, машиналарнинг туриб қолишини камайтирди.

Унинг сменасидаги энг илғор бригадани Умар Саидқулов бошқаради. Мастер бригадирдан хурсанд. Чунки у ишнинг кўзини билади. Бу бригада социалистик мусобақада биринчиликни қўлдан бермай келяпти.

1980 йил охирида КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун конкурс эълон қилинганди. Конкурс шартларига кўра уч ой мобайнида — 1980 йилнинг декабрь ва 1981 йилнинг январь, февраль ойларида комбинат бўйича социалистик мусобақада голибликни қўлдан бермаган 5 та илғор бригадани Самарқанд шаҳрига бепул йўлланма билан экскурсияга бориш ҳуқуқини қўлга киритади. Умар Саидқулов етакчиларидаги бригада ҳам ана шу бешта илғор бригадалардан бири бўлди.

Мастер ёрдамчиси У. Саидқулов сергайрат, ишбилармон йигит. У Александра Егоровнанинг энг яхши шогирдларидан. Комбинатда 1975 йилдан бери мастер ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Умар 8 та тандалаш ва шунча калавалаш машиналарига хизмат қилиб, машиналарни ҳамиша ишга шай туришига эришади.

Юқоридаги сатрлар ёзилаётган бир пайтда У. Саидқулов ҳаётида бир ўзгариш юз берди. Фабрика ва цех раҳбарлари У. Саидқуловга ишонч билдириб, смена мастеридек масъулиятли ишга тайинлашди. У ўз касбини севади, ишига меҳр қўяди. Унинг ташкилотчилик қобилияти ҳам бу вазифани бажара олишига ишонч туғдиради.

А. Е. Ряскина раҳбарлигидаги коллектив КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, ҳар бир меҳнат кунини зарбдор меҳнат кунига айлантириш учун меҳнат қилмоқда.

С. ИСОМИДДИНОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ, ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ

ЕР ОСТИ КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

1. Инженерлик тармоқлари, транспорт ва гидротехника иншоотлари, йўл, тротуарларни қуриш, қайта қуриш ва капитал ремонт қилиш, геологияқидирув қудуқларини қазиш, ёритиш мачталарини, геодезияга оид турли белгиларни ўрнатиш ишлари халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари рухсати билан бажарилади.

Қурилиш-монтаж ташкилотларининг раҳбарлари бундай ишларга рухсатнома олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) ер ости коммуникацияларини ётқизиш ва ишни ташкил этишнинг архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси тасдиқлаган ва мазкур ишдан манфаатдор бўлган ташкилотлар билан келишиб олинган лойиҳа ҳужжати;

б) бажариладиган иш, ишчи кучи, материал, механизмлар билан тўла таъминланганлиги, иш жараёнида шаҳарнинг ободонлаштириш элементларни бузилган тақдирда уни қайта тиклаш муддати қайд этилган кафолатнома.

Янги қурилган тармоқни ишлаб турган тармоққа улаш бўйича ишларни амалга ошириш учун ордерни янги линия қурилишида бош пудратчи бўлган ташкилот олади.

Тунроқ ишларини бажараётган қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари ва буюртмачилар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг давлат автомобиль инспекцияси билан келишилган хавфсизлик элементларини ўрнатишлари, шунингдек объектда иш бошланишидан олдин инженерлик коммуникацияларини эксплуатация қилувчи ташкилотларнинг вакилларини чақиришлари керак.

6. Коммуникация ўтказиш пайтида йўл усти қопламаларини бузиш тақозо этиладиган ҳолларда ана шу қопламаларни қайта тиклаш ҳоллари ордерда кўрсатилган муддатларда ва Тошкент шаҳрини қайта қуриш Қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

7. Материалларни ва майдондаги ортиқча тупроқларни ташиб кетиш, шунингдек, йўлнинг қатнов қисмидаги қопламаларни қайта тиклаш иш тугагандан сўнг 24 соат давомида амалга оширилиши керак.

8. Ишлаб турган газ, канализация, сув қувурлари, иссиқлик трассалари, телефон, электр кабель линиялари, трамвай ва троллейбусларнинг контакт тармоқларида, шунингдек трамвай йўлларида аварияларни бартараф этиш ишларини истисно тарзида ордерсиз олиб боришга рухсат берилади.

9. Авария бартараф этилганидан кейин ана шу жойга асфальт ётқизиш ёки ободонлаштиришнинг бошқа элементларини бажариш, инженерлик коммуникацияларидан фойдаланиш ташкилотлари билан бир йил муддатга тузилган шартномага мувофиқ, район ободонлаштириш бошқармалари ва махсус йўл эксплуатацияси трести томонидан амалга оширилади.

ШАҲАРНИ ТАШҚИ БЕЗАШ ЖИҲОЗЛАРИНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. Вивескалар, реклама витриналари, шчитлар, кўчалар, туниклар, проездларнинг номлари қайд этилган белгилар, газ-ёритгич безаклар, уй фонарлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармаси билан келишилган ягона намуна бўйича тайёрланмоғи ва ҳамиша бенуқсон, тоза ҳолда сақланмоғи лозим.

2. Ташқи безак элементларини сақлаш ва уларнинг бенуқсонлигини таъминлаш бўйича масъулият:

а) кўчалар, туниклар, проездларнинг номлари қайд этилган тахтачалар учун — район ободонлаштириш бошқармалари зиммасига:

б) уйларнинг номери учун—ЖЭУ, ЖЭК, ЖКУ ва уй эгалари зиммасига;

в) вивескалар, реклама ва витриналар учун— мутасадди ташкилотлар зиммасига;

г) стендлар, ҳотира тахталари, бадиий қурилмалар, панноллар, шаҳар Ҳурмат тахтаси учун— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг шаҳарни ташқи безаш ишлаб чиқариш комбинати ҳамда марказий авария-диспетчерлик хизмати зиммасига;

д) биноларга ўрнатилган газ-ёритгич реклама қурилмалари, магазинлар, ресторанлар, кафеларнинг безаклари учун — халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари, ободонлаштириш Бош бошқармасининг шаҳарни ёритиш идораси зиммасига;

е) ҳайкаллар, бюстлар, хотира тахталари, ҳайкалтарошлик группалари учун — халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари зиммасига юклатилади.

Ўз ҳисобида газ-ёритиш рекламаси бўлган ташкилотлар, корхоналар ва идоралар, уларнинг сақланишини, нормал ишлашини таъминлашлари керак. Уларни ўз вақтида қўйиб-ўчиришлари лозим.

Панноллар, витриналар, хотира тахталари, бадиий манзаралар, киоскалар, дўконларни ясаш ва ўрнатиш, шаҳардаги муассасалар ва ташкилотларнинг кўп қаватли уйлари ва маъмурий биноларнинг олд томони ва ёнларини газ-ёритгич рекламалари билан жиҳозлаш, фақат архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг ижозати билан мумкин.

ҚАБРИСТОНЛАРНИ САҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

1. Тошкент шаҳридаги барча қабристонлар граждан хизмати бошқармаси қарамоғида сақланади.

2. Қабристон маъмуриятининг қуйидагиларни бажариши шарт:

а) қабристон территориясининг қўриқланиши ва озода сақланишини таъминлаш;

б) гражданлар ва ташкилотларнинг марҳумларини белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилган ҳолда дафн этиш, шунингдек, қабр усти ёдгорликларини тайёрлаш ва ўрнатиш ҳамда уларни озода сақлаш бўйича буюртма қабул қилиш ва тасдиқланган прейскурантга кўра ҳақ олиш;

в) гражданларга ижарага ускуналар (белкурак, супурги, хаскаш ва бошқалар) бериш;

г) қабристон территориясини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш ва ниҳолларни парвариш қилиш;

д) давлат назоратида бўлган қабрлар ва ёдгорликларни озода сақлаш ҳамда ремонт қилиш.

3. Қуйидагилар ман этилади:

а) қабристон маъмуриятининг ижозатисиз қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш, уларни қайта ўзгартириш ёҳуд бузиш;

б) қабр усти ёдгорликларини ҳамда ниҳолларни нобуд қилиш, қабристон территориясига ҳайвонларни олиб кириш ва бу жойларни ифлос қилиш;

в) қабристон ёпилгандан кейин унинг территориясига кириш;

г) қабристон территориясига машиналар, велосипедлар, мотоцикллар (автокатафалк ва махсус мақсаддаги бошқа машиналар бундан мустасно)нинг киритилиши;

д) ўйинлар ва сайллар ташкил этиш, гулхан ёқиш, спиртли ичимликлар ичиш.

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ШОВҚИНГА ҚАРШИ ҚУРАШ ТЎҒРИСИДА

1. Ҳаво ва сув ҳавзаларига зарарли моддалар чиқарувчи ташкилот ва корхоналар бу моддаларни ҳавога чиқаришдан олдин белгиланган нормада зарарсизлантиришлари шарт.

2. Автотранспорти бўлган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шахсий транспорти бўлган кишилар ишлатилган ёнилғи-мойлаш материалларини тупроқ ва сувга тўкмасдан, уларни ўз вақтида шаҳардаги автомобиль заправка станцияларига топширилишини таъминлашлари, автотранспортдан чиқаётган газларнинг заҳарлилигини камайтириш учун автомобилларнинг двигателларини ўз вақтида созлаб туришлари лозим.

3. Қуйидагилар ман этилади:

а) олдиндан тозаланмаган зарарли моддаларни ҳавога чиқариш;

б) ишлаб чиқаришнинг тозаланмаган техник чиқиндиларини ҳамда ҳар қандай маиший чиқиндилар (ювинди, ахлат, ишқор, кислота ва бошқа суюқликлар)ни очиқ суғориш тармоқлари, каналлар, сув ҳавзалари, майсазорлар, кўчаларга ташлаш ва тўкиш; темир-бетон буюмларни ерга кўмиш, тўпроқни ифлослантириш;

в) ахлат, ҳазонлар, ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўчалар, майдонлар, парклар, уй-жой ҳовлилари, корхона ва ташкилотларнинг территориясида ёндириш;

г) соат 22.00 дан то эрталаб 07.00 гача уйлар, касалхона ва болалар муассасалари яқинида компрессорлар, қаттиқ товуш билан уриладиган гурзи, экскаваторлар, бульдозерлар ва бошқа шовқин чиқарувчи машиналар ёрдамида ремонт ва қурилиш ишлари олиб бориш (авариялар бундан мустасно);

д) шаҳар ичида барча турдаги транспортларнинг зарурат-сиз сигнал чалиши;

е) карбюратори ва глушители бузуқ, кўп тутун ва шовқин чиқарувчи мотоцикл, мотороллер ва мопедларда юриш;

ж) двигатели, карбюратори, редуктори, глушители бузуқ, кўп газ ва шовқин чиқарувчи, шунингдек, юк ташиш қоидаларига номувофиқ келадиган ҳамма турдаги транспортларнинг йўлга чиқиши;

э) шаҳар доирасида Тошкент радиоэшиттириш тармоғи (ТГРС) рухсатисиз радиокарнайлар ўрнатиш. Тошкент радио эшиттириш тармоғи овоз бериладиган территорияларда овозни чеклашнинг талабларига риоя этиши керак. Кечки соатларда симли узатишнинг овози даражасини марказлашган усулда пасайтириш лозим:

и) пуфлаб чалинадиган музика асбобларини чалиш.

Ушбу бўлимда белгиланган талабларни бузган раҳбар ходимларга халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари қошидаги маъмурий комиссиялар томонидан огоҳлантириш берилади ёки 50 сўмгача жарима ундирилади, бошқа шахслар ва гражданларга огоҳлантириш берилади ёки 10 сўмгача жарима солинади.

Ушбу бўлимда белгиланган талабларнинг бузилишига йўл қўйган шахслар, агар унга тартиб бузишликнинг характери ва унинг шахси ҳисобга олинган ҳолда жамоат таъсири ўтказиш мақбул бўлса, материаллар жамоат ташкилоти ёки меҳнат коллективининг ўртоқлик судида кўриб чиқиш учун берилиб, маъмурий жавобгарликдан озод этилишлари мумкин.

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Комсомол аъзоси Маҳмуда Шодмонова тўрт йилдан бери бадиий буюмлар фабрикасида тикувчи-мотористка бўлиб ишлаб келмоқда. Ёш ишчи матонинг ютуқларга эришмоқда. Комсомол-ёшлар унга ишонч билдириб бригада бошлиғи этиб тайинлашган.

СУРАТДА: Маҳмуда Шодмонова.

Ҳ. Мирзанаримов фотоси.

Меҳнат семестри — 81

«Спартак»чилар ғайрати

«Спартак» отряди жангчи-қурувчилари тушлик пайтида тантанали йиғилишга тўпландилар. Қисқагина йиғилиш давомида Тошкент Давлат университети студент отрядлари шаҳар штабининг бошлиғи, доцент И. М. Каракетов «Спартак» отряди командири Б. Н. Узоқовга кўчма вимпелни тантанали суратда топширди. Отряд аъзолари ишга тўла чиққанлиги, планларни ортиғи билан бажарганлиги, оталиқдаги мактаб ва Улуғ Ватан уруши инвалидларига ёрдам кўрсатганлиги учун мана шу вимпель билан тақдирланган эди. Шундан кейин сўзга чиққан студентлар ишда янги ютуқлар учун курашишга сўз бердилар...

«Спартак» отряди Тошкент Давлат университети тарих факультетининг 1, 2-курс студентларидан ташкил топган. 50 кишилик отряд «Главташкентстрой»нинг 48-қурилиш бошқармаси билан 50 минг сўмга шартнома тузган эди. Ҳозиргача 30 минг сўмга яқини ўзлаштирилди. Студент-қурувчилар Собир Раҳимов районидаги 233-ўрта мактабни, 432-болалар боғчасини, районда яшайдиган Улуғ Ватан уруши инвалидлари С. Абдурахмонов, А. Ҳайдаровларнинг уйларини сифатли ремонт қилиб бердилар. Ҳозир отряд жангчилари Назарбекдаги 1176 ўринли мактабни тиклашда тер тўкмоқдалар. Кунлик нормалар 120 — 130 процент қилиб бажарилмоқда. О. Мирзақулов, А. Маҳимов, В. Толибов, М. Шодиев, В. Аналбоев бошлиқ бригадалар айниқса бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Студент-қурувчилар бир неча кунлик иш ҳақларини тинчлик фондига ўтказдилар.

Тарих факультети студентларининг бунёдкорлик фаолияти ҳақида шу факультет партия ташкилотининг секретари, доцент М. Шопсонов шундай дейди:

— Шаҳримиздаги қурилишларда университетимизнинг 1150 студенти меҳнат қилмоқда. Факультетимиз ҳам бу ишга ўз улушини қўшяпти.

— 40 студентимиз Тюмень қурилишларида, беш киши эса интернационал отряд сафида Германия Демократик Республикаси ва Болгарияда ишлашга жўнаб кетишган. Тошкент қурилишларида меҳнат қилаётган 50 кишилик «Спартак» отрядининг фаолияти чиндан ҳам мақтовга лойиқ. Отрядда қатъий тартиб-интизом ўрнатилган. Ишдан ташқари пайтларда маданий дам олиш учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилоти қурувчи-студентлар ҳақида доимий ғамхўрлик қилиб келяпти.

А. РАСУЛОВ.

Ҳам пишиқ, ҳам арзон

«Ташкенткабель» заводининг мутахассислари шахта телефон кабели хизмат муддатини икки баравар узайтирдилар. Металлдан фойдаланишни камайтириш ва бошқа конструктив янгиликлар қўлланиш туфайли бир километр узунликдаги шундай кабель ишлаб чиқариш 600 сўм арзонга тушмоқда.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Китобча қилиб нашр этилди

РЕЙКЬЯВИК. Бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездига илган Ҳисобот доклади алоҳида китобча қилиб нашр этилди. Бу — КПСС XXVI съезди материалларининг исланд тилидаги биринчи нашридир.

Ана шу муҳим ҳужжатнинг исланд тилида нашр этилганлиги, — дейди Исландия тинчлик комитетининг раиси Х. Харальдссон, — катта аҳамиятга эгадир, чунки мамлакат жамоатчилигига асосий халқаро проблемалар юзасидан СССР позицияси билан таниш, Совет Иттифоқининг ана шу проблемаларни ҳал этишга, кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттиришга қаратилган таклифларини ўрганиш учун ажойиб имконият яратиб беради.

— КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездига Ҳисобот докладида, — деб уқтириб ўтади у,— совет кишилари коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлар, янги беш йиллик планлари акс эттирилган. Бу планларнинг асосий мақсади — совет халқи фаровонлигини оширишга қаратилгандир.

Саводсизликни тугатишда эришилган муваффақиятлар

ВЬЕНТЬЯН. Лаос Халқ Демократик Республикасидаги ўн учта вилоятдан еттитасида саводсизлик бутунлай тугатилди, деди ЛХДР маориф, спорт ва диний ишлар министри Фуми Вонгвичит.

ЛХДР ташкил этилганидан кейин Лаос Халқ Революцион партияси бошланғич, ўрта ва олий таълимга асос солиш ва мустамлакачилик ҳукмронлигининг оғир мероси— катта ёшдаги кўпчилик аҳоли саводсизлигини тугатиш вазифасини қўйди.

Давлат муассасаларининг ходимлари ҳам, жамоатчиликнинг кенг табақалари ҳам иштирок этаётган мунтазам иш натижасида ҳозирги вақтда бу вазифалар асосан ҳал этилди. Ҳозир Лаосда бошланғич мактабларнинг ўқувчилари 1975 йилга нисбатан икки баравар, тўла бўлмаган ўрта мактаблар сони олти баравар ва тўла ўрта мактаблар сони ўн баравар кўпайди.

Мустамлакачилик зулмидан озод бўлгунгача мамлакатда биронта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди. Эндиликда бу ерда педагогика ва медицина институтлари, алоқа институти ишлаб турибди. Уларда мингминглаб йигит ва қизлар таълим олмоқда.

Саводсизликни тугатиш кампанияси муваффақиятли давом этмоқда. Саводсизликни тугатиш курсларида мамлакатда жами сал кам 350 минг киши ўқиш ва ёзишни ўрганмоқда.

ПАКШ АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛИШИДА

БУДАПЕШТ. 1982 йилда ишга тушириладиган Пакш атом электр станцияси биринчи блокини ишга туширишга тайёргарликнинг масъулиятли даври бошланди.

Пакш атом электр станциясидек катта ва мураккаб иншоотни Венгриянинг ўзи барпо этолмас эди, деди қурилиш бош инженери Э. Балог ТАСС мухбири билан суҳбатда. Қурилишимизни интернационал қурилиш деб атайдилар. Атом электр станциясини барпо этишда 60 дан кўп турли корхона иштирок этмоқда. Биз асосий асбоб-ускуналарни Совет Иттифоқидан олмоқдамиз. Станцияда хизмат қиладиган венгриялик мутахассислардан 800 киши СССРда махсус тайёргарликдан ўтди. Пакшда Воронеждан келган бир группа мутахассислар меҳнат қилмоқда. Венгрия атом электр станцияси учун асбоб-ускуналарни Чехословакия, Болгария, ГДР ва бошқа қардош мамлакатлардан ҳам олмоқда.

Пакшда атом электр станциясининг барпо этилаётганлиги, деб таъкидлади А. Балог, Венгрия учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Венгрия саноати илгарилари бошқа мамлакатлардан олишга мажбур бўлган турли мураккаб техникани ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олди. Лекин Пакш атом электр станциясининг барча тўртта блоки ишга туширилганидан кейин бу станция Венгрияда фойдаланилаётган бутун электр энергиянинг 25 процентини беражаги энг муҳим аҳамиятга эгадир.

Куба индустриясининг гиганти

ГАВАНА. Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан Лас-Тунас шаҳрида яқинда қурилган пўлат конструкциялар заводини Кубада индустрия гиганти деб аташади. Ҳозир бу заводда асбоб-ускуналар созланмоқда. автомат линиялар бирин-кетин ишга туширилмоқда. Дастлабки махсулот: турли профилдаги пўлат таянчлар, устунлар, стропил фермалар, платформалар, кранлар, цистерналар ва бошқа йирик ҳажмдаги асбоб-ускуналар тайёрлаб чиқарилди. Буларнинг кўпи илғари бошқа мамлакатлардан келтирилар эди. Корхона универсалдир. Корхонада бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам мумкин. Бу маҳсулотларнинг кўп қисми саноат қурилишида қўлланилади.

Бўм-бўш Лас-Тунас чеккасида бетондан, пўлат ва шишадан кенг завод корпуси қад кўтариши учун уч ярим йилдан сал кўпроқ вақт талаб қилинди.

Завод йилига 20 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиши лозим. Бироқ, лойиҳа ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қувватларни икки баравар ошириш истиқболи билан тузилган.

«ХАЛҚ УЧУН УЙЛАР»

ДЕҲЛИ. Аҳолини бир текисда жойлаштириш мақсадида Ҳиндистондаги кичик шаҳарларни жадал ривожлантириш— мамлакатни социал-иктисодий ривожлантириш олтинчи (1980 — 1985 йиллар) беш йиллик планининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Кўплаб шаҳарларда уй-жой етишмаслиги айниқса кескин проблема бўлиб қолган. Марказий ҳукумат кам даромадли ишчи ва хизматчилар, Ҳиндистон жамиятининг камбағал қатламлари — собиқ «хорижонлар» учун квартиралар қуриш кўламини кенгайтириш учун куч-ғайрат сарфламоқда. 800 мингдан кўп «халқ учун уйлар» қурилди. Булар аҳолига текинга ёки имтиёзли шартлар билан берилмоқда. Уй-жой қурилиши программасини амалга ошириш учун шу беш йилликда сал кам 15 миллиард рупия ажратилди.

Шаҳар транспорти ишини яхшилашга кўплаб маблағ ажратилмоқда. Шаҳарларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, уларда боғлар, хиёбонларни кўпайтириш юзасидан тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳинд ҳунармандлари ясаган буюмлар мамлакатдагина эмас, унинг ташқарисида ҳам яхши маълум. Айниқса халқ ҳунармандлари кўп авлодларининг тажрибалари ва анъаналарини сақлаб қолган мисгарларнинг асарлари катта шуҳрат қозонган. Ҳозир Ҳиндистонда 2 миллиондан зиёд ҳунарманд бор.

СУРАТДА: Бадиий ҳунармандчилик устахоналаридан бирида.

ҒОЯТ ХАТАРЛИ ҚАДАМ

ВАШИНГТОН. Рейган маъмурияти стратегик қурол-яроғларни янада кўпайтириш, ядро урушига тайёргарлик кўриш йўлида яна бир ғоят хатарли қадам қўйди. Калифорния штатининг Санти-Барбара шаҳрида Оқ уй вакили президент нейтрон қуролини кенг кўламда ишлаб чиқаришга қарор берганлигини билдирди. Вашингтонда АҚШ давлат департаменти бу хабарни тасдиқлади.

Оқ уй вакилининг айтишича, нейтрон бомбасини ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарор ўтган ҳафта қабул қилинган. «Нью-Йорк таймс» газетаси шу хабарни шарҳлаб, бу қарор бундан 36 йил муқаддам Американинг атом бомбаси Хиросима шаҳри устига ташланган 6 август кунида миллий хавфсизлик кенгашининг планлаштириш группаси мажлисида қараб чиқилган эди, деб ёзади.

ЁЗ— ЎТМОҚДА СОЗ

«МЕҲНАТ-РОҲАТ» ЛАГЕРИДА

Калинин районидаги «Назарбек» совхозининг 1-бўлимидаги «Меҳнат-роҳат» лагери баҳаво, соя-салқин жойга жойлашган. Бу оромгоҳда Акмал Икромов районига қарашли Мичурин номли 81, Зебинисо номли 236-ўрта мактабларнинг 107 нафар юқори синф ўқувчилари дам олишиб, дала ишларида актив қатнашмоқдалар. Улар отрядларга бўлиниб, далаларда етиштирилаётган маҳсулотларни йиғиштириш, экинларни бегона ўтлардан тозалаш каби ишларни бажаришяпти. Кун тартиби бўйича дам олиш соатларида устоз-тарбиячилари раҳбарлигида кўнгилли ҳордиқ чиқармоқдалар. Лагерда ташкил этилган турли тўгаракларда қатнашмоқдалар.

— «Меҳнат-роҳат» лагери ҳар йили ёшларнинг ҳордиқ масканига айланяпти. Асосий мақсадимиз мактаб ўқувчиларини дала ишларига ўргатиб, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашдир, — дейди лагерь бошлиғи З. Нурмуҳамедов. — Шунингдек, ҳар бир ўқувчининг ёзги каникулни кўнгилли ўтказишига ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам бу ердаги «Меҳнат-роҳат» лагерида ўқувчилар мароқли дам олиб, совхоз меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Лагерда шахмат-шашка, музика ҳамда спортнинг бир қанча турлари бўйича тўгараклар ишлаб турибди. Ўчма кутубхонадаги қизиқарли китоблар, газета-журналлар уларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Тарбиячилардан кутубхона мудири М. Хўжаева, спорт ташкилотчиси Б. Тожибоев, бош пионер вожатий М. Юнусова, ўқитувчилардан С. Муҳамедов, Ҳ. Хамидовлар мактаб ўқувчиларининг ҳар бир куни меҳнатда, дам олиш соатида кўнгилли, самарали бўлишига ҳисса қўшмоқдалар.

М. ДАМИНОВ,
Д. ТАЖАНОВ.

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

Қисимлаб олсанг...

Нақл қиладиларки, Гелон вилоятида бойбадавлат бир киши бўлган экан. У нафт (нефть) олиб сотишдан бениҳоят мол-дунё тўплаган эди. Бойликка шунчалик ҳирс қўйган эдики, хизматкорига нафт сотиб олиш пайтида ҳар икки кўрсаткич бармоғини идиш тепасига қўйиб туришни буюрар ва бу билан озроқ бўлса ҳам қўшимча нафт олишни тайинларди.

Бир куни хизматкори унга деди:

— Эй, хўжайин, бу иш ахир бировнинг ризқига ҳиёнат-ку! Бу йўл билан орттирилган мол ҳаром бўлади, ҳаммаси бир йўла йўқ бўлади. У вақтда афсуснинг фойдаси бўлмайди.

Аммо бой унинг сўзларига қулоқ солмади. Хизматкорига деди:

— Эй, нодон, озгина нарсанинг ҳам баҳридан ўтмаслик керак. Ахир эшитмаганмисан, «Қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур» деганлар.

Соф қалбли хизматкор бунга жавобан шундай деди:

— «Қисимлаб олсанг, ҳовучлаб тўкасан» деган нақл ҳам бор. Ҳаром йўл билан тўпланган мол бир куни денгизда оққандек оқиб кетади.

— Мен молимни денгизга олиб бормайман, денгиз ҳам менинг уйимга келмайди. Беҳуда гапларни гапирма ва ўз ишингга машғул бўл,— дея бой хизматкорини уришибди.

Хизматкор хўжайиннинг айтганларини қилишга мажбур бўлди.

Бу воқеадан кейин маълум муддат ўтди. Бой бошқа бир вилоятда нафт ниҳоят қимматлигини эшитиб қолди. Молу-дунёга ҳирс уни денгиз сафарига ундади. Мингта мешга нафт жойлаб, кемага ўтирди.

Алқисса, кемага миниб денгизнинг ўртасига етганларида тўсатдан довул бошланди. Кемани ўёқдан бўёққа иргита бошлади. Кема билан бирга бойнинг дили ҳам тугёнга келди. Денгизчилар унга дедилар:

—Эй, бой, жон ҳамма нарсадан азиз. Агар соғ-саломат уйга қайтай десанг, кемани енгил қилиш керак. Шояд довулдан қутулиб кетсак.

Бой қўрқанидан ҳамма мешларни ўз қўли билан денгизга улоқтирди. Кема юқдан енгиллашгач, хавф камайди. Бироздан сўнг довул ҳам тинди. Бой денгизга улоқтирган нафтини эслаб оҳ-фарёд чекар, пушаймондан ўз бошига муштлар эди. Хизматкор унга деди:

— Эй, хўжайин, энди афсус-надоматнинг фойдаси йўқ. Ҳар бир воқеанинг иложи у рўй бермасдан олдин топилиши керак. Ҳаром йўл билан қатра-қатра мол тўпладингиз, энди эса мешлари билан дарёга ўз қўлингиз билан отдингиз. «Қисимлаб олсанг, ҳовучлаб тўкасан» деган нақлнинг ҳикмати шу.

Бошидан ўтган—табиб

Дейдиларки, ҳокимнинг буйруғи билан бир кишининг қўлини кесдилар. У ўзининг қирқилган қўлини кўтариб, бирор марта ҳам дод-фарёд қилмасдан югуриб кетди. Йўлда тўсатдан нигоҳи бошқа бир қўли қирқилган кишига тушди. Шу заҳоти баланд товуш билан йиғлаш ва оҳ-фарёд қилишга тушди.

Бу воқеани кузатиб турган бир киши ҳайрон бўлиб сўради:

— Нима бўлди? Ахир ўз қўлингни кесганда йиғламаган эдинг. Энди эса дод-фарёд қилияпсан?

У шундай деди:

— Жим бўл! Сен менинг дардимни қаердан биласан? Бошқалар ҳам ўртанишларимни билмайдилар. Фақат бу одам менинг ҳолимни яхши тушунади ва ҳис қилади. Бошимга тушган мусибатнинг бутун фожиасини яхши англайди. Чунки унинг ҳам қўли қирқилган.

Тонгда туришнинг фойдаси

Бузуржмеҳр ҳар куни азонда Ҳисрав хизматига келар, кўпинча «эрта тонгда турсанг, мақсудингга етасан», деб такрорлашни яхши кўрар эди.

Ҳисрав бу сўзга ҳайратланар эди. Бир куни ҳазиллашмоқчи бўлди. Хизматкорларига тонг қоронғусида Бузуржмеҳрни йўлда тутиб, уни қўрқитишни, ҳеч зиён-заҳмат етказмасдан, кийимини ечиб олишни буюрди.

Хизматкорлар Бузуржмеҳрни йўлда тутиб, Ҳисрав айтгандек қилдилар. Бузуржмеҳр уйига қайтиб, бошқа кийим кийди, саройга келганида тонг ёришиб қолган эди.

Ҳисрав ундан сўради:

— Бугун нега кеч қолдингиз?

— Келаётган эдим, йўлда ўғрилар дуч келдилар ва кийимимни ечиб олдилар. Мен уйга қайтиб, бошқа кийим кийиб келдим, —жавоб берди. Бузуржмеҳр.

Ҳисрав деди:

— Ахир ҳар кун «Азонда турсанг мақсудингга етасан» деб насиҳат қилмасмидингиз? Тонг қоронғусида турганингиз учун ҳам шу балога гирифтор бўлгансиз-да.

Бузуржмеҳр ўйлаб ўтирмай жавоб берди:

— Йўқ, ўғрилар мендан олдинроқ турганлари учун ҳам мақсадларига етдилар.

Ҳисрав Бузуржмеҳрнинг ақли ва ҳозиржавоблигига тан берди, ҳазили учун кечирим сўради.

Н. МУҲАММАДИЕВ тайёрлаган.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

ПИШИҚЧИЛИК

Ўлкамизда айни пишиқчилик. Ширин-шакар мевалар дейсизми, полиз экинлари дейсизми, ҳаммаси ҳамшаҳарларимизга етказиб берилляпти. Бу борада Чилонзорда жойлашган Усмон Юсупов номли ихтисослаштирилган 3-магазин аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Савдо тармоғи ва қишлоқ хўжалик корхоналари билан ўзаро шартнома асосида бу ерга ҳар куни полиздан янги узилган қовун-тарвузлар, колхоз ва совхоз боғларидан мевалар келтириб турилади.

— Ҳозир ҳар куни магазинимизга 10 — 12 тоннадан мева ҳамда полиз маҳсулотлари олиб келинмоқда, — дейди магазин мудири Бадриддин Қўчқорхўжаев. — Магазинимиз асосан Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли қишлоқ хўжалик комбинатидан маҳсулотлар олади. Шу кунларда бизда шафтоли, олма, нок, узум, кўплаб қабул қилинмоқда. Бундан ташқари Фарғона, Наманган, Жиззах областларидан келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам ҳамшаҳарларимизга манзур бўляпти. Ойлик топшириқларини мунтазам ошириб бажаряпмиз. Рихси Мирсоатова, совет савдоси аъзочиси Клавдия Белкова, Тамара Лапухова сингари ходимларимиз ҳаридорларга чин кўнгилдан хизмат кўрсатишга уринмоқдалар.

СУРАТДА: Усмон Юсупов номидаги ихтисослаштирилган сабзавот ва мевалар магазинининг сотувчилари Т. Лапухова ҳамда Р. Мирсоатовалар харидорлар хизматида.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ШАНБА ОҚШОМИ

● ҲИКМАТ—БИР ҲОВУЧ ОЛТИН ● ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ХИЗМАТИДА ● СИНЧАЛАКНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ● АЖОЙИБОТЛАР

Ҳайвонот оламини ўрганамиз

Энг чаққон қуш

Эрта баҳор... Яқиндагина ерда қор бор эди, энди бўлса ариқларда сувлар ўйнаган, кўкатлар ер бетини тобора қалинроқ копламоқда. Тўғри, баъзан тунда ернинг бети энсиз муз билан копланади. Аммо ҳамма томон жонланган: ариқлар учишмоқда, дарахтларда қушларнинг ҳаракати ошган. Демак ҳамма ерда баҳор ҳаракати.

Бундай пайтларда булоқлар, ариқлар, ҳовузлар бўйида, республикамизнинг ҳамма ерида нозиккина, чаққон, йўрга қушчани учратиш мумкин. Унинг пешонаси, кўз атрофидаги патлари, қорни оқ, баъзан пушти, қизил, жигарранг, ҳаворанг бўлади: бели, томоғи, юзи тим қора. Шу қушча Фарғона водийсида синчалак, Тошкент ва унинг атрофларида жиблажибон деб юритилади.

Бу қушча на одамдан, на бирорта ҳайвондан мутлақо қўрқмайди, тап тортмайди. Одам унга яқинлашди дегунча пир этиб ўрнидан учадию, сал нарирокда яна ерга қўниб думини ликиллаганича йўргалаб юришни давом эттиради. Баъзан одам билан беқиномачоқ ўйнаётгандек бўлади.

Синчалак биз томонларга баҳорда Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистондан учиб келади. Март ойининг бошларида дастлабкилари учиб келишади. Апрель ойининг бошларида оммавий учиб келиш бошланади, май ойида кечиккан қушлар учиб келишади. Қиш иссиқ келган ва баҳор эрта вақтларида, ҳатто февраль ойидаёқ, учиб келиш бошланади. Баъзи йилларда синчалаклар шу ерда қишлаб қолишади.

Бошда нарлар моддаларни ўзига қаратиш ва жуфт танлаш учун кураш кетади, улар ўртасида моддаларни талашиб ўзаро уриш ҳам бўлади. Ниҳоят оила тузилгач, мода барча ташвишларни ўз бўйнига олади. У нар томонидан таклиф қилинган инни синчиклаб кўздан кечиради, уни ёқтиради, ёки бошқа тузукроқ инга алмашишни таклиф қилади. Синчалаклар баъзан тош остига, дарахтлар кавагига, уйилган ғарам ёки гўзапоя остига, том бўғотига уя солишади.

Мода тухумни босиб ётгандан ўн икки-ўн уч кун ўтгач, тухумдан бабажиш полопонлар чиқади. Тухумдан чиққандан сўнг 7—8 секунд ўтгач бўйнини кўтариб озуқа талаб қила бошлайди. Саккиз кунлик жўжалар оёққа туриб, ота-оналаридан тобора кўпроқ егулик талаб қилишади. Полопонларни улгайтириш ниҳоят заҳматли иш. Ота-оналар ҳар куни 390 — 400 марта инга овқат билан қатнайди.

Қушчалар темирқанот бўлишганда озиб кетишади, бутун куч янги ўсиб келаётган патлар ва парларга кетади. Болалар учирма бўлишади. Шундан кейин ҳам бир-неча кун ота-она тарбиясида юришади. Июнь ойининг ўрталаригa келиб моддалар яна ин учун қулай жой излашади. Улар иккинчи навбат бола очишга тайёргарлик кўришади.

Кузда, болаларни тарбиялаш ғами тугагач, синчалаклар йўл ёқаларида тўп-тўп йиғилишади. Тўп ниҳоят меъёрига етгач, синчалаклар яна қайтиб келишни мақсад қилиб, ўзлари учиб келган юртларига йўл олишади.

Х. ҲАКИМОВ.

Термиз ҳайвонот боғида қизиқарли воқеа содир бўлди. Бир йил муқаддам бу ерда икки бола туққан йўлбарс вафот этган эди. Кичкинатойларни ёввойи от динго «ўз қаро моғига» олди. У йўлбарсчаларни боқди, парваришлади.

Ҳозир йўлбарсчалар улгайиб кат тагина бўлиб қолганларига қарамай итнинг ўз тарбияланувчилари билан дўстлиги ҳамон давом этмоқда.

СУРАТДА: ёввойи от динго ўз тарбияланувчилари билан.

Г. Пун ва **И. Хўжаев** фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

САЁҲАТ — РОҲАТ

ТОҒ УСТИДАГИ ОРОМГОҲ

Ўзининг географик жойлашиши билан киши эътиборини тортадиган ажойиб оромгоҳлардан бири қардош Қирғизистоннинг Уш области, Киров номли ўрмон хўжалиги территориясида йигирма беш гектар ерга жойлашган «Арслонбоб» пансионатидир.

Денгиз сатҳидан 1700 метр баландликда жойлашган бу дам олиш уйи асосан оилаликлар учун мўлжалланган. Йигирма беш коттежда бир йўла беш юз киши учун ўрин бор. Етти юз ўринли кинотеатр, қирқ кишилик меҳмонхона, болалар ўйнайдиган майдонлар, беш юз ўринли ошхона, чойхона, чўмиладиган сув ҳавзаси ва бошқа кулайлик дам олувчилар хизматида.

— Дам олиш уйимиз бу йил учинчи мавсумни намунали ўтказмоқда. Ўтган икки йилда 12 мингдан зиёд киши хордиқ чиқарди, — дейди пансионат директори Ҳакимбек Тўражонов — Бу оромгоҳга РСФСР, Қозоғистон, Ўрта Осиё республикаларидан келган меҳмонларда бу ернинг об-ҳавоси, гўзал табиати яхши таассуротлар қолдирмоқда. Дам олиш мавсуми 6 октябргача давом этади.

Ҳақиқатан ҳам пансионатда ҳар куни теварак-атрофдаги боғларга, хандон пистазорларга, бодомзорларга, Катта ва Кичик шаршараларга, Мойли сой шаҳрига ва Уш шаҳридаги афсонавий Сулаймон тоғига жойлашган ўлка музейига экскурсиялар уюштирилмоқда. Айниқса, Арслонбоб қишлоғи теварагидаги тоғ ёнбағирларида ўсувчи кекса ёнғоқзорларни, зилол сувларни, шифобахш «Томди булоқ»ни ҳамда турли-туман ўсимликларни кўриб ҳайратланмай илож йўқ.

Сўлим оромгоҳ ҳаммани ўзига чорламоқда.

А. ҲОЖИХОНОВ.

Қизиқарли Пазандалик

БИТТА ҚЎЗИҚОРИНДАН ЎН БЕШ КИШИГА ОВҚАТ

Маълумки, пазандалик учун масаллиқ жамғаришнинг энг ибтидоий усули, йиғим-теримчилик билан овчилик бўлган. Кейинчалик деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари келиб чиқади. XX асрга келиб, ҳатто синтетик масаллиқлар тайёрлашгача бориб етдик.

Инсоният масаллиқ жамғаришнинг ибтидоий усулларидан сира воз кечгани йўқ: овлаш ва йиғиб-териш орқали биз одам меҳнатисиз табиатнинг ўзи яратган рисқи-рўзимиз — балиқ, қуш ва бошқа ҳар хил ҳайвонлардан ёки ёввойи ҳолда дала, ўрмон, чўл ва тоғларда ўсувчи мева-чева ҳамда турли гиёҳлардан иложи борича фойдаланиб келамиз.

Йиғим-теримчиликка оид қизиқ бир воқеа шу йил июнь ойида Қозоғистонда содир бўлди. Қозоғистон фосфор илмий-текшириш институтининг геологи П. Асадуллаев Қулон тоғининг ёнбағирларини ўрганиб юрарди. Бу тоғ ғарби-жанубий Тянь-Шанга туташган бўлиб, фосфор саноати учун хом ашё — кварцитларга бой район ҳисобланади. Геологнинг нигоҳини кўкатлар орасида ётган оппоқ харсангтош ўзига жалб қилади, узоқдан у кварцит, йўқ, ҳақиқий кварцнинг ўзгинаси бўлиб кўринади. Яқин келиб ушласа ёмғирдан сўнг чиқадиган юмшоққина оқ тепаклари қўзиқорин экан. Ванди дарахтнинг тўнкасидай, узиб бўлмайди, болта билан уриб, пичоқ билан кесиб ердан аранг ажратиб олади. Қопга солиб, тортиб кўрса нақ беш килограмм! Йиғим-теримчилик тарихида бундай улкан қўзиқорин топиш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермаган.

Геологик партиянинг пазандаси бу қўзиқориндан картошка билан қовуриб, бутун бир бригадага етарли таом тайёрлади. Ўша таомга ном қўйилмаган бўлса-да, ташқи кўриниши ҳамда хушбўй ҳиди билан лаззатли, ҳудди гўштли жаркопни эслатади, дейишади.

К. МАҲМУДОВ.

● ДАМ ОЛИШ СОАТИДА

КРОССВОРД



Энига. 1. Ёш ленинчиларнинг саломи. 3. 1964 йилда экранга чиққан «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти. 4. Сайёралар ҳаракати йўли. 7. Пахтакор район. 10. Иттифоқимиздаги дарё. 11. Йиртқич ҳайвон. 13. Киностудия вакили. 14. Ўсимлик. 15. Ўрта Осиёдаги улкан нурхона. 19. Нотиқ. 20. Фан. 23. Ошхона буюми. 24. Ишқорий металл. 25. Қардош республика сатирик журнали. 26. Чўл қалтакесаги.

Бўйига. 1. Вьетнамдаги шаҳар. 2. Қум. 3. Узум навн. 5. Машҳур совет шахматчиси. 6. Уруглик. 8. Совет авиаконструктори. 9. Ўзбекистондаги ёш шаҳар. 10. Орол. 12. Таом. 16. Миллат. 17. Франция сунъий йўлдоши. 18. Ўзбек классик шоири. 21. Асарга ўхшатма. 22. Америка қитъасидаги канал.

Тузувчи:

А. МИРЗАЕВ.

8 АВГУСТДАГИ «СПОРТ УЙИНЛАРИ» ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Улоқ. 2. Қиличбозлик. 3. Кросс. 4. Сузиш. 5. Шахмат. 6. Теннис. 7. Самбо. 8. Отиш. 9. Штанга. 10. Акробатика. 11. Альпинизм. 12. Мерганлик. 13. Каратэ. 14. Эстафета. 15. Атлетика. 16. Автокросс. 17. Слалом. 18. Матч. 19. Чавандозлик. 20. Кураш. Рим рақамларида: Зарипова.

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга Б. Рихсиев, А. Аюбов, Ш. Икромова, О. Юсупов, М. Раҳимова, Ж. Алиев, Х. Уктамов, Т. Ҳусанов ва бошқа кўплаб оқшомхонлар тўғри жавоб ёзишган. Хат йўллаган ўртоқларга редакция ташаккур билдиреди.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. КЕЛГАНОВ: Мен Улуғ Ватан урушининг инвалидиман. Шу сабабли яқинда давлатимиздан текинга қўл билан бошқариладиган «Запорожец» маркали автомашина олдим. Айтингчи, ана шу автомашинадан бошқа шаҳарда турувчи ўғлим фойдаланиши мумкинми?

Жавоб: Улуғ Ватан уруши инвалидларига фойдаланиш учун текинга бериладиган, қўл билан бошқариладиган «Запорожец» автомобиллари уни сотмаслик ва бошқа шахсларга бермаслик шарти билангина берилади. Винобарин шундай экан, Сизнинг бошқа шаҳарда истиқомат қиладиган ўғлингиз Сизга берилган машинадан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

* * *

Н. ТОШМАТОВ: Парашют спортига қизиқаман. Шаҳримизда парашют спорти турн сирларини ўргатадиган бирор клуб борми?

Жавоб: Сиз парашют спорти машғулотларига қатнашмоқчи бўлсангиз Тошкент аэроклубига мурожаат қилинг. Бу аэроклуб шаҳримизнинг Халқлар дўстлиги проспектидаги 28-уйда жойлашган.

* * *

М. АВАЗОВ: Яқинда 10 ёшли ўғлимга велосипед сотиб олиб берган эдим. Кўчада кетаётган экан, уни автомобиль инспектори тўхтатибди ва унга автомобиль магистралларида юриш мумкин эмаслигини айтибди. Бу ўринда автоинспектор ҳақми?

Жавоб: Ҳа, тўғри, Мамлакатимизда г и бир қатор шаҳарларда — Москва, Киев ва бошқа шаҳарлардаги болалар поликлиникалари қошида эмизикли болаларни сузишга ўргатадиган группалар ташкил этилган. Медицина ходимларининг хулосасига караганда, уч ойликка бўлган болаларни сузишга ўргатиш чоғида энг самарали натижаларни кўлга киритиш мумкин экан.

* * *

Д. ШОКИРОВА: Мен тасвирий санъатга жуда қизиқаман. Шу боисдан Ўзбекистон ССР санъат музейи ҳузурида ташкил этилган лекторийларга қатнашиб тураман. Айтингчи, ҳозир ҳам ана шу лекторийлар ишлаб турибдими?

Жавоб: Ўзбекистон ССР санъат музейида якшанба кунлари ишлайдиган лекторий тасвирий санъатга қизиқадиган ихлосмандлар ўртасида шуҳрат қозонган. Чиндан ҳам улар бу музейда санъат олами билан яқиндан танишадилар. Санъатшуносларни г лекциялари ҳужжатли фильмлар кўрсатиш билан янада чуқур мазмун кашф этади. Ҳозирги пайтда якшанба кунги шу лекторийлар каникулда. Машғулотларни эса шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб яна ўтказиш йўлга қўйилади.

* * *

О. НИЕЗОВА: Эшитишимга қараганда, кейинги пайтларда медицинлар эмизикли болаларни сузишга ўргатишга тавсия этишаётган экан. Шу тўғрими?

Жавоб: Ҳа, тўғри, Мамлакатимизда г и бир қатор шаҳарларда — Москва, Киев ва бошқа шаҳарлардаги болалар поликлиникалари қошида эмизикли болаларни сузишга ўргатадиган группалар ташкил этилган. Медицина ходимларининг хулосасига караганда, уч ойликка бўлган болаларни сузишга ўргатиш чоғида энг самарали натижаларни кўлга киритиш мумкин экан.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1982 йилнинг 1 январидан бошлаб газета бир нусҳасининг баҳоси 3 тийин миқдорида белгиланади.

Бу босма қоғознинг қиймати, полиграфик безашнинг ва нашрларнинг обуначиларга етказиб бериш ҳаражатларининг ортганлиги билан боғлиқдир.

ИШТИЁҚ БИЛАН ЎЙНАШ КЕРАК

СССР чемпионати

«ПАХТАКОР» — «ДИНАМО» (Тбилиси) — 0:1

«Советский спорт» газетасининг махсус мухбири Юрий Дашевский учрашувни кузатиб ўтирар экан, шундай деди:

—Тошкентликлар бугунги учрашувни жуда яхши ўтказишди. Меҳмонлар майдонда чиройли ўйин кўрсата олишмаган бўлишларига қарамасдан, уларнинг мамлакат биринчилигида доимо совринли ўринларидан бирини эгаллаб келганликларини таъкидлаш керак. Шунга қарамасдан тошкентликлар жуда яхши ўйин кўрсатишди. Бу сафар ёш пахтакорчилар ғалабага эриша олмаганликларининг сабаби уларда турнир тажрибаси кам эканлигида. Шунга қарамасдан команданинг ўз ўйин услуби шаклланиб қолганлигини айтиш керак.

Мен дарвозалар олдида вужудга келтирилган хавфли вазиятларни ҳисобга олиб бордим. Бу борада пахтакорчилар ўзларини кўрсатишди. Агар улар бироз қатъийлик, чаққонлик кўрсатганларида тбилисиликлар Тошкентдан икки очко олиб кетмаган бўлишарди.

Мен деярли 20 йилдан буён «Пахтакор»нинг ўйинини кузатиб бораман. Шунинг учун ҳам менда командани кучли, чиройли ўйин кўрсатиб ҳар қандай вазифани ҳал қила оладиган команда сифатида кўриш иштиёқи зўр. Эҳтимол биз деярли 2 миллион аҳолиси бўлган шаҳримизнинг номидан катта футболда қатнашаётган командага қўйилаётган талабларни бироз кучайтириб юбораётгандирмиз.

Учрашув тугаганидан кейин мен тошкентлик ўйинчилардан нега майдонда чаққон ҳаракат қилмадинглар, иштиёқ билан ўйнамадинглар, деб сўрамоқчи бўлдим. Шундай деганимда ҳам улар «қўлимиздан келган барча нарсани бажардик» дейишган бўларди.

Учрашувнинг дастлабки минутларида анъанага кўра майдонда тошкентликларнинг устунлиги сезилиб турди. Қанот ҳужумчилари Новиков ва Семенко чаққон ҳаракатлари билан кенг фронт бўйлаб ҳужум уюштиришга шароит яратишди. Ана шундай дақиқаларда ярим ҳимоячиларга ҳужумчиларга ёрдам бериш имконияти вужудга келтирилди. Авваллдан белгиланганидек ҳал қилувчи дақиқаларда ҳужумда жуда кўп киши қатнашиши керак эди. Майдоннинг марказида Якубик, Огай, Кухлевскийлар ҳаракат қилишарди. Амриев ва Пак ҳимоячилар қаторида майдонга чиққанлиги мухлисларни ажаблантирмади.

Дастлабки дақиқаларда Гуцаев ва Шенгелияларни қанот ҳимоячилари Билолов ва Денисов таъқиб қилишлари керак эди. Бу нарсани меҳмонлар дарҳол англаб олишди. Шу боисдан ҳам Чивадзе ва Сванадзе олдинги марраде тез-тез пайдо бўла бошладилар. Худди шу нарса пахтакорчиларни шошириб қўйди. Натижада улар ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юбордилар. —0:1.

Бу нарса майдон эгаларини қатъий ҳаракат қилишга ундади. Улар энди ҳужумга зўр бера бошладилар. Новиков қулай вазиятга чиқди. Лекин у ҳал қилувчи дақиқада тўпни дарвоза томонига йўллаш ўрнига шеригига узатди. Натижада қулай имконияти ҳам фойдаланилмади. Орадан кўп ўтмасдан тошкентликлар яна хавфли вазият вужудга келтирдилар. Семенко қанотдан тўпни жарима майдонида турган Якубикка етказиб берди. Бу сафар ҳам ҳужумчимиз хатога йўл қўйди.

Ҳужумга зўр бериш меҳмонларни ҳимояланишга мажбур қилди. Ана шу дақиқаларда тошкентликлар ҳам муваффақиятга эришади деган фикрга кела бошладик. Лекин орадан кўп ўтмасдан мезбонлар суръатни пасайтириб юбордилар. Бу нарса меҳмонларга қўл келди. Улар учрашувни ўртача суръатда давом эттирдилар.

«Пахтакор» мағлубиятдан қутилиш учун қандай чораларни кўрди? Шуни афсус билан айтиш керакки, ҳамшаҳарларимиз учрашувнинг иккинчи бўлимида учрашувни меҳмонлар таклиф қилган ўйин услубида давом эттиришга рози бўлишди. Шунинг учун ҳам учрашув ўз мазмунини йўқотди.

Э. АВАНЕСОВ.

СУРАТЛАРДА: «Пахтакор»— «Динамо» (Тбилиси) учрашувидан лавҳалар.

Р. Загратдинов фотолари.

«Пахтакор» ҳақида 17 фикр

«Динамо» (Тбилиси) командасининг ярим ҳимоячиси, хизмат кўрсатган спорт мастери Давид КИПИАНИ билан суҳбат.

— Давид, янглишмасам сиз бундан роса ўн йил муқаддам катта футболда қатнаша бошлаган эдингиз. Ҳозирги «Пахтакор» билан аввалги «Пахтакор»нинг ўйинини таққослаб бера оласизми!

— Бундан ўн йил муқаддам бўлган учрашувнинг барча тафсилотлари хотирамда сақланиб қолгани йўқ. Фақат бир нарса эсимда. Ушанда ҳам учрашув кескин вазиятда ўтган эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Умуман олганда «Пахтакор» билан беллашиш биз учун ҳамиша қийин бўлган. Унинг составида техник ва тактик жиҳатдан маҳоратли ўйинчилар кўп бўлган.

Тўғрисини айтганда, аввалги «Пахтакор» ҳозиргисидан анча кучли эди. Бир сафар биз учрашувни 0:5 ҳисобида бой берганмиз. Ҳозир ҳам командага келажаги порлоқ ёшлар тўпланганлигини айтиш керак.

— Тошкентлик ўйинчилардан кимлар сизга маъқул бўлди!

—Ўнг қанот ҳимоячиси Ҳусан Бойматов. У аниқ ҳаракат қилади. Тўп учун қатъий курашади. Ҳужумчиларга ўз вақтида ёрдам бериб турди. Тўпни шериклларига аниқ етказиб беришда ҳам маҳорат кўрсатди...

«Пахтакор» умуман олганда ёмон ўйин кўрсатмади. Фақат комбинацияларни тез амалга оширганда команда муваффақиятга эришиши ҳам мумкин эди.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет оқшоми

15 АВГУСТ, 1981 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЙЕ

17 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

18.25 «Сиз яратган боғ». 18.55 «Қувноқ нотачалар». 19.10 Футбол қарорлари — ҳаётга! «Ёш мутахассис ишлаб чиқаришда». 20.10 «Агар сен кетсанг». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати «Спартак» (М) — «Зенит» (Ленинград). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари»

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

Профилактика муносабати билан душанба 17 август куни МТ IV программасининг кўрсатувлари трансляция қилинмайди.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

16.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Мушук ва кит» Мультфильм 18.30 Мактаб ўқувчилари учун «Камалак». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарварлар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Гунеш». Фильм-концерт («Туркменфильм»). 20.10 «Дилижан». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Фозилжонова, А. Ғафуров, М. Тошматова иштирокида концерт. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Дўстлар маслаҳати олтиндан қиммат». 22.30 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.45 «Орзу» Бадиий фильм. 00.25 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Сўнгги учрашув». Телефильм (рус.). 18.40 «Уталмаган бурч». Бадиий фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Меҳнат ва спорт». 20.50 «Советлар мамлакатининг кишилари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.

18 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Агар сен кетсанг». Бадиий фильм. 11.25 «Баҳор ҳамоҳанглиги». Фильм-концерт. 12.05 «Киносаёҳатчилар клуби». 13.05 Янгиликлар. 15.15 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси. «Инспектор сафари». «Сатира қуроли билан». 15.55 «Минора устидаги байроқлар». Болалар учун фильм. 17.30 «Чарм тўп» клубининг совғани учун».

18.15 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». М. И. Калинин номли темирчилик-пресс усуналари ишлаб чиқарувчи Воронеж ишлаб чиқариш бирлашмаси. 18.30 «Тхонг Лонг» Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти (Вьетнам). 19.15 «Дунё, воқеалари». 19.45 «Фан оламида». Телетомошабинларнинг хатлари асосида. 20.20 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». А. ва Г. Вайнеровларнинг «Раҳм-шафқат даври» романи асосида кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 СССР халқ артисти Е. Нестеренко ва РСФСР халқ артисти И. Некрасов раҳбарлигидаги рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Капитан Врунгелнинг саргузашти». Мультфильм. 1—6 серилар. 10.45 «Спорт байроқларимиз остида». Концерт 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 11.25 Спортнинг ўт ўчириш амалий турлари бўйича СССР чемпионати. Минскдан олиб кўрсатилади. 11.55 «Партизан болалари». Болалар учун фильм. 13.15 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўқитишадир?». Бобруйск шаҳар 15-бадиий саноат ҳунар-техника билим юрти ҳақида. 14.05 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри артистларининг концерти. 15.20 «Ёшлар адреслари». 16.20 «Москва ва москваликлар». 16.50 Калинин полиграфия комбинати Маданият саройи хор капелласи ва вокаль ансамблининг чиқиши. 17.05 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси: «Усталар шаҳри». «Балхаш». «Мушмула гуллаганда».

19.30 «Халқаро панорама». 20.15 Грузия ССР халқ артисти Н. Брегвадзе ижросида қадимги рус романслари. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 20.40 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Индигир қиссалари». «Ўрмон манзаралари». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 Сузиш бўйича СССР чемпионати В. И. Ленин номли стадионнинг сув ҳавзасидан олиб кўрсатилади. 22.50 «Марецкая ҳақида нималарни биласиз». Фильм-концерт.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Вова лақабли бўри қандай қилиб Марсга учди». Кўгирчоқ фильм. 11.45 «Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар хорининг концерти». Фильм-концерт. 12.10 Янги ўқув йилига. «Мактаб формаси қандай бўлиши керак?». 12.40 «Юмор» телевизион театри. 3. Зулфиқоров. «Калитлар» (такрорий).

16.15 Кўрсатувлар программаси. 16.20 «Гаройиб манеж». Мультфильм. 18.30 «Ўсмир ва қонун» (рус.). 19.00 «Касаба союзлар — омма орасидаги ишончли таянч». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Дунёнинг нашф этиб». Телефильм. 20.10 Узбекистон ССР Рассомлар союзи кўргазма залидан кўрсатув (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти (такрорий). 21.30 «Время». 22.05 «Москва Давлат муз устида балети». «Юбилейний» Марказий спорт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 00.25 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қизиқувчилар экрани». 18.40 «Премьера». Телефильм. (рус.). 19.30 Болалар учун фильм. «Кичик йигитча». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ўша кунларда». Бадиий фильм. 21.30 Марказий телевидениенинг IV программаси.

19 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серилар. 12.25 А. Хачатурян. «Спартак» балетидан парчалар. 12.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Апрель революцияси ҳақиқати». Афганистондаги революцион ўзгаришлар ҳақида ҳужжатли фильм. 16.10 «Уфқ». «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 17.10 «Рус тили». 17.40 «Горичлар, қаердасиз?»

18.10 «Уренгойгача бўлет». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 «Расмларда қўёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Лирик қўшиқлардан концерт. 20.00 «Экономика тежамли бўлиши керак». Кўрсатувда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Б. П. Сериков иштирок этади. 20.20 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. ЧССР — Европа терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.50) — «Дунё воқеалари». 23.50 РСФСР халқ артисти Б. Минин раҳбарлигидаги Москва камер хорининг концерти.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Капитан Врунгелнинг саргузашти». Мультфильм. 7—13 серилар. 10.55 «Н. Г. Чернишевский. Ҳатлар, хотиралар». 11.35 «Усмирлар ижоди». 12.05 «М. Дудин поэзияси». 12.35 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар программаси: «Эмилбекнинг ёзи». «Бизга цирк меҳмон бўлиб келди». «Охири хайрли тугаган ташвишли ҳодиса». 13.35 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Астрахан». «Рязань». 14.20 Ираклий Андроников билан суҳбатлар. 15.50 Гитарада Карлос Молинаро ижро этади (Аргентина). 16.35 «Олам кинокамера кўзгусида» XII Москва Халқаро кинофестивалининг ҳужжатли фильмлари. 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30. «Ресторанларлар билан ёнма-ён». Илмий-оммабоп фильм. 20.45 «Оқшом тароналари». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Игорь Ильинский билан учрашувлар». Бадиий фильм. 23.25 «Халқ депутати». Телевизион ҳужжатли фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Қуёнча магнитофон топиб олди». Мультфильм. 11.45 «Болалар денгиз орзусида». Фильм-концерт. 12.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Эзги меҳнат семестри» (рус.). 12.45 «Колумб» шхунасининг юнгласи». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20. «Деярли рўй-рост воқеа». Мультфильм. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўқувчилар бригадасида». 19.00 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Мусобақа — омма ижоди». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Наманган музикали драма ва комедия театри артистларининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Наманган музикали драма ва комедия театри артистларининг концерти (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Тошкент технологияси — барчага». 22.25 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.40 Телетомошабинларнинг талабларига биноан «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 1-серия. «Ихтиёр ўзимда эмас». 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Игорь Горбачев» Фильм-портрет (рус.). 19.05 Болалар учун фильм. «Энг каттаси». 19.25 «Транспорт ва пиёда». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Шахс болаликдан бошланади». Телефильм. 20.50 «Чинор», «Ўрта Осиё маиший хизмат қурилиши тарихидан» (рус.). 21.20 «Уйинсик тўрлари». Телефильм. 21.30 Марказий телевидениенинг IV программаси.

20 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 3-серия. 11.10 Э. Григнинг симфоник асарлари. 12.05 «Офтоб» Телевизион ҳужжатли фильм. 12.20 «Моҳир қўллар». 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Николай Кузнецов. «Жасорат саҳифалари». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.15 Болалар учун. «Диқкат, тошбақа». Бадиий фильм. 17.35 «Шаҳмат мактаби». Кўрсатувда шаҳмат бўйича жаҳон чемпиони А. Карпов иштирок этади.

18.00 «Сизга манзур шеърлар». 18.30 Узбек композиторларининг асарларидан концерт. Тошкентдан олиб кўрсатилади. 19.00 «Билмасвой — созанда». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Алкоголизм». Врач суҳбатлари. 20.00 СССР халқ артисти М. Биешу куйлайди. 20.15 Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Нотаниш аёл». Телефильм. А. Блокнинг шу номли драмаси мотивлари асосида.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Ихтиёрчи». «Кашфиёт устидаги ўйлар». 10.30 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси В. А. Таболин билан учрашуви. 11.30 В. Розов драматургияси. 12.15 Ганновер ёшлар хорининг концерти (ГФР). 12.50 Болалар учун «Муносиблар саёҳати». 1-серия («Узбекфильм»). 13.55 «Қадимги шарқ санъати» 14.25 Д. Д. Шостакович номли квартет чалади. 14.55 «Горичлар қаердасиз?». 15.25 «Бола йўқолди». 15.55 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар» Б. Кустодиев. 16.30 «Фестивальлар... Конкурслар... Концертлар...» 17.30 «Жасорат».

19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 Москва Давлат филармонияси академик симфоник оркестрининг концерти. 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Икки қатра ўйин». «Маошин ўгириш». Телевизион бадиий фильмлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Муха-Цокотуха». Болалар учун фильм-балет. 12.05 Мактаб ўқувчилари учун «Санъат гунчалари» (такрорий) 12.35 «Бунинг ҳамма билиши ва удалаши керак. 13.05 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 1-серия. «Ихтиёр ўзимда эмас».

16.15 Кўрсатувлар программаси. 16.20 «Алдаркўса, айиқ ва қуён». Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим-фахрим». 19.00 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Реконструкция суръати ошмоқда». Ангрен керамика комбинати (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод гулшани» телевизион журнал. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиосининг солистлари Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Малоҳат Дадабоева ва Изро Малаков концерти. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — озиқ-овқат программасининг асоси». 22.25 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм 2-серия. «Яшаш шарт». 00.05 Кўрсатувлар программаси

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Вартан Ажиян» Телефильм. (рус.). 18.40 Реклама. 19.00 «Ҳужжатли кино экрани» 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Яхши кайфият хизмати» (рус.). 20.50 «Ер ва одамлар». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 21.30 Марказий телевидениенинг IV программаси.

21 АВГУСТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 11.20 «Ҳаммаси аксинча». Мультфильм. 11.30 «Биз билан бирга, эҳ, ўлди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 12.30 Композиторлар Д. Энеску ва Л. Бетховен асарларини П. Чайковский номли Халқаро конкурс лауреати М. Мартин чалади (Румония). 13.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.10 «Буратино кўргазмаси». 16.40 «Сергес Орлов поэзияси». 17.15 «Подмосковье — учрашувлари». 17.45 Коми АССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган Сиктивкар телевидение студиясининг программаси. Кўрсатувда КПСС Коми область комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. П. Морозов иштирок этади.

18.15 Коми АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 18.45 Эзги меҳнат семестри саҳифалари. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Шаҳар ва ёз» Кинотюд. 19.40 «Европада ҳарбий тенглик ҳақида». СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи, генерал-майор-инженер В. П. Стародубов сўзи. 20.05 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 5-серия. 21.30 «Время». 22.05 Н. Лесков «Сартарош» РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Гундарева ўқийди. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 Юлейс-радио (Финляндия) янги кларнет оркестри Останкино концерти студиясида.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 Мультфильмлар программаси: «Билмасвой — россом». «Билмасвой рулда». 10.25 «Звездочет» телевизион журнали. Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Ю. Н. Глазков олиб боради. 11.10 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хорининг концерти. 12.05 Пермь телевидение студияси ҳужжатли фильмлари программаси. 12.35 Болалар учун фильм. «Муносиблар саёҳати». 2-серия. 13.55 Қадимги Греция санъати. 14.25 «Булутларга йўл». Рус учувчиси К. К. Арцеулов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 15.20 М. Шолохов. «Танланган саҳифалар». Фильм-концерт. 16.10 «Биз БАМни қуряпмиз». 16.40 «Муз майдонида». Телевизион фильм. 17.10 Халқаро конкурслар лауреати С. Иголинский чалади (фортепьяно). 17.30 «СССР — Конго: дўстлик, ҳамкорлик». Ҳужжатли фильм.

19.30 «Қадимий Калугада, навқирон Калугада». Ҳужжатли фильм. 19.50 Тува АССР «Саяни» Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.15 «Дин ва атеизм тарихи музейи». Илмий-оммабоп фильм. 20.25 СССР халқ артисти М. Царев, А. Пушкин, М. Лермонтов, Н. Некрасов, Ф. Тютчев, А. Блок, С. Есенин шеърлари ва поэмаларини ўқийди. 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (К) — «Шахтёр» Донецк). Киевдан олиб кўрсатилади. 23.45 П. Владигеров асарларини Москва Давлат академик симфоник оркестри ижро этади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Гаройиб мушук». Кўгирчоқ фильм. 11.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор» (такрорий). 12.45 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 13.15 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 2-серия. «Яшаш шарт».

18.15 Кўрсатувлар программаси 18.20 «Қуённинг кулоқлари нега узун?» Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.00 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади». Тошкент тўқимачилик комбинати (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 И. Исҳоқов, Қ. Юсупов ва М. Орипов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05« Дунё воқеалари». 22.35 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 3-серия. «Шиҳоятга ўрин йўқ». 23.50 кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Молодёжная кўчасининг севги хроникаси». Телефильм. 18.25 «Классик куй саҳифалари». 19.00 «Шифокор экрани». 19.30 Болалар учун фильмлар: «Айиқлар ва қўшиллар». «Эски ҳақида». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Зор-интизор». Бадиий фильм. 21.30 Марказий телевидениесининг IV программаси.

22 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.00 «Ота-оналар. Сизлар учун». 10.30 «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.55 «Инсон овози». Телевизион музикали фильм премьераси. Ф. Пуленканинг шу номли операси асосида. 12.55 «Советлар ва ҳаёт». 13.25 «Спортлото»нинг 34-тиражи. 13.35 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали. Ироқ. 14.00 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 15.30 «Дунё воқеалари». 15.45 «Архитектура—81». Москва. нинг архитектура ансамблари, 16.15 «Ҳайвонот оламида». 17.15 Мультфильм.

17.35 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.05 Румин халқининг миллий байрамига бағишланган Руминия Социалистик Республикаси телевидениесининг программаси. 19.20 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.05 «Прожектор» Маданият саройида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, композитор А. Новиков билан учрашув — концерт. 21.30 «Время». 22.05 Волейбол бўйича Халқаро турнир. Эркаклар. СССР — Чехословакия терма командалари. Ригадан олиб кўрсатилади. 22.45 «Рақсга таклиф». Фильм-концерт премьераси. 23.45 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 Мультфильмлар программаси: «Унови Простоквашинодан», «Сенимни, шошмай тур». 11-сон. 10.15 «Шахмат мактаби». Кўрсатувда шахмат бўйича жаҳон чемпиони А, Карпов иштирок этади. 10.45 «Тонгги почта» музикали программаси. 11.15 «Оналар мактаби». 11.40 «Рус тили». 12.10 Сузиш бўйича Халқаро матч. СССР — АҚШ терма командалари. Киевдан олиб кўрсатилади. 12,50 «Киносаёҳатчилар клуби». 13.50 Қисқа метражли бадиий фильмлар программаси: «Балиқчи ва унинг хотини» (Финляндия), «Альфред» (Дания). 14.50 «Фан оламида». Телетомошабинларнинг хатлари асосида. 15.30 В. Заболотний чалади (балалайка). Харьковдан олиб кўрсатилади. 15.40 «Ҳаракат жойи — Сибирь». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.30 «Музикали ниоси». 17.00 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа.

17.45 Регби бўйича Халқаро турнир. СССР — Югославия терма командалари. «Машиностроитель» стадионидан олиб кўрсатилади. 18.35 М. Гараева. «Бека». Леся Украинка номли Киев Давлат академик рус драма театрининг фильм-спектакли. 20.45 «Зиндон» Парагвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Антонио Майданинг тақдири ҳақида. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Театр». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серилар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Андижон филармонияси солистларининг концерти. 10.50 «Мультипанорама». Болалар учун кинокўрсатув (рус.). 11.25 «Шахмат мактаби», 11.55 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 3-серия. «Шиҳоятга ўрин йўқ». 13.10 «Ота-оналар университети». 13.40 «Кишиларга сув ҳаёт этиб» (рус.). 14.10 Телевизион театр П. Мериме. «Осмон ва дўзах». 15.05 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (рус.). 18.50 «Инсон ва қонун». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Цирк, цирк, цирк». 20.30 «Ахборот». 20.45 «Қўшиқ айтган етар муродга». Конкурс программаси (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Чорвачилик — зардоб фронт». 22,25 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 4-серия. «Сўнгги марра». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун «Гулхан». 18,35 Болалар учун фильм. «Нурафшон давра». 19.05 Янгиликлар. 19.20 Москва. «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.05 «Ахбор». 20.55 Концерт. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

23 АВГУСТ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.45 «Россия». Маданият саройи халқ чолғу ансамблининг концерти. Саратовдан олиб кўрсатилади. 10.10 «Будильник». 10.40 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11,40 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.25 «Тонгги почта» музикали программаси. 12.55 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 13.10 «Қишлоқ янгиликлари». 14.10 «Музикали киоск». 14.40 Л. Малюгин. «Кулгили бахтим менинг». Евг. Вахтангов номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли. 1-қисм. 17.20 «Қаҳрамонлик балладаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Коммунистлар» туркумидан. 17.50 «Менинг қадрдон Подмосковье». Концерт.

18.40 «Халқаро панорама». 19.25 «Сен нимани танлардинг?». Телевизион бадиий фильм премьераси. 20.40 «Киносаёҳатчилар клуби». 21.30 «Время». 22.05 Волейбол бўйича Халқаро турнир. Эркаклар. СССР — Италия терма командалари. Ригадан олиб кўрсатилади. 22.45 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари. 23.40 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 10,45 «АБВГ-Дейка». 11.15 Москва шаҳридаги 7 педагогика билим юрти хотин-қизлар хорининг концерти 11.40 Мультфильмлар программаси. 2.15 «Санъат устаси». СССР халқ артисти Б. Чирков. 13.20 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали, Ҳиндистон рақслари ва куйлари. 13.50 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 14.20 «Ота-оналар, Сизлар учун». 14.45 Д. Энеску асарларидан концерт. Туғилган кунининг 100 йиллигига. 15.15 «Давр ва ўзим ҳақимда». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, шоир А. А. Сурков ҳаёти ва ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 16.15 «Бедимдадир уша дам ҳали». Фильм-концерт. 17.05 РСФСР Давлат духовой оркестрининг концерти. 17.35 «Шукуҳ ва қашшоқлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия (Франция).

19.05 Сузиш бўйича Халқаро матч. СССР — АҚШ терма командалари. Киевдан олиб кўрсатилади. 19.45 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Калинина ва РСФСР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. 20.15 «Никарагуа. Милтиқ ва гитара». Телевизион ҳужжатли фильм. Кўрсатувни автор — сиёсий шарҳловчи Л. А. Новиков олиб боради, 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Валя хола ҳикоя қилади». 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. 1-лига. «Локомотив» (Москва). — «Гурия» (Ланчхути). «Локомотив» стадионидан олиб кўрсатилади. 23.45 РСФСР халқ артисти Л. Сметаников концерти.

Узбекистон телевидениесининг программаси.

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Қодирова ва А. Эркаев куйлайди (такрорий). 10.50 Болалар учун фильм. «АҚлингга қойилман». 12.15 «Оналарнинг мактаби», 12.45 «Наманган театри — 50 ёшда». 14.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Янгра, пионер ёзи». 14.35 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 4-серия. «Сўнгги марра». 15.45 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қасур тикувчи». Мультфильм. 18.50 «Ёзувчилар — болаларга». Марк Твен. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Футбол чорраҳаларида». 20.15 «Фарғона» Мирзачўлда». Ҳужжатли фильм. («Узбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Ёқуов концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Руминиянинг миллий байрами — Озодлик кунига. «Нум-боқинг ечилиши». Бадиий фильм (Руминия). 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Болалар учун мультфильм. 16.20 «Новинка» киноклуби. 17.25 А. Цагарели. «Тифлис тўйлари». М. Ю. Лермонтов номли Олмаота Давлат академик рус драма театрининг спектакли, Қирғиз тилида: 19.25 «Сен суйган обон». Э. Мукамбетов қўшиқлари. 20.15 Б. Жакиевнинг авторлик кечаси. 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/VIII да **Кузнинг биринчи куни**, 16/VIII да **Алмандар**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа.** «АРЕНАДА МОСКВАЛИКЛАР».

КИНО

15 АВГУСТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» (6-фильм) — **Қозоғистон.**

«КУЗЬМИЧ, АДАМ ВА БОШҚАЛАР» — **Восток.**

«БАҲОР ВА МЕҲНАТ БАЙРАМИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЕРРОР» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ ҲАЛОКАТИ» — **Искра** (16, 18.00, 20.00).

«ИБЛИС УЯСИДА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ҚАЕРДАСАН, СЕВГИ!» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

16 АВГУСТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» 6-фильм) — **Қозоғистон.**

«КУЗЬМИЧ, АДАМ ВА БОШҚАЛАР» — **Восток.**

«БАҲОР ВА МЕҲНАТ БАЙРАМИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЕРРОР» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ ҲАЛОКАТИ» — **Искра** (16, 18.00, 20.00).

«ИБЛИС УЯСИДА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«ҚАЕРДАСАН, СЕВГИ!» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

Қнбрай пиво-спиртсиз ичимликлар комбинатининг йўқолган 66572, 66573, 66574, 66575, 66576 номерли йўқолган

КВИТАНЦИЯЛАРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси 2-троллейбус депосининг йўқолган

УЧБУРЧАКЛИ ШТАМПИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент политехника институтининг газетамизда 6 августда босилган эълонни қуйидагича ўқилсин:

«Тошкент политехника институтига берилган 228015 номерли дипломнинг йўқолган

ТОЗА БЛАНКАСИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ТОШКЕНТЛИК ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ, 17 ЕШДАН 22 ЕШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗЛАРНИ

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар «МАКТАБ-МАГАЗИН» программаси бўйича ўтказилади.

КУРСЛАРГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш давомида 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА ИШЛАЙДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Справкалар олиш учун Тошкент Марказий универмаги кадрлар бўлимига (3-қават, 26-хона) учрашилсин.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

16 АВГУСТ — ЯКШАНБА

СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

18.00 «Бугун — СССР Ҳаво флоти куни». Ҳарбий ҳаво кучлари Бош қўмондони, СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация Бош маршали П. С. Кутахов сўзи. 18.15 Давлат Марказий концерт залида СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган концерт. 19.00 «Халқаро панорама». 19.45 «Маслёнкиналик бўзоқча». Мультфильм. 20.00 Г. Фигейредо. «Эзоп». Горький номли Ленинград Давлат академик Катта драма театрининг фильм-сп